Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

11 сентябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 186 (1438)

Бугуннинг гапи

## БАНКИРЛАР ТАШРИФИ

***Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осиё Тараққиёт банкининг ижрочи директорлари делегацияси Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига ташриф буюрди.***

Меҳмонлар давлат тасарруфидаги ишлаб чиқариш корхоналари, маиший хизмат уйлари ва кўплаб бошқа биноларнинг хусусийлаштирилиши, бозор инфраструктурасидаги ўзгаришлар, хусусий мулк эгалари ҳамда хорижий сармоядорлар ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимоя этилишига доир масалалар ва қонунлар мажмуаси билан таништирилдилар.

Делегация аъзолари мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётга хорижий сармояларни жалб этиш, шунингдек, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар ҳамда уларнинг ҳуқуқий асосларини юқори баҳоладилар.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА)

# МАЪНАВИЯТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

### Фармон ва шарҳ

## ВАТАН ДЕГАН, ЎЗЛИК ДЕГАН — ҲИКМАТ КАЛИТИ

***Халқимиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонини зўр қувонч билан кутиб олди.***

Зеро, истиқлол туфайли маънавиятимиз булоқлари кўз очди, унинг шифобахш, зилол сувларидан халқимиз баҳраманд бўлмоқда. Ушбу Фармон эса маънавиятимизни янада юксалтиришга, уни одамлар қалбига тағин-да чуқурроқ кириб боришига хизмат қилади.

Яқинда халқимиз мустақиллигимизнинг беш йиллигини зўр тантаналар билан нишонлади. Мустақиллик куни миллий байрамга, Ўзбекистон халқининг катта шодиёнасига айланди. Байрам тантаналари эртанги кунга ишончни, маънавий юксакликни намоён этди. Бунга ҳамма гувоҳ бўлди. Уни яна бир бор тавсифлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Ҳолбуки, осмоннинг бир парчаси ҳам осмон. Уни тўла тасаввур қилиш учун буюк соҳибқирон қадами теккан муқаддас тупроқла мағрур туриб, юлдузли осмонга бир сония термулиш керак. Ана шунда Ўзбекистон осмонида юлдузлар ёркинроқ чақнашини ҳис қилиш мумкин.

Етмиш йил машаққат ва меҳнатда тер тўкиб, «боқиманда» номини олган ўзбекнинг, минг шукурким, истиқлол туфайли ўз дон хирмони, бағрини тўлдириб турган инсонийлиги, юксак маънавияти, фахрланса арзигулик тарихи унинг ўзиники бўлди. Улуғ бобо-калонларимизнинг руҳини шод этганимиз сари, маънавиятимиз нақадар теран ва кенг эканлигини тобора чуқур англамоқдамиз.

Салмоқда ҳар бири бир асрга тенг беш йилни босиб ўтдик. Унинг ҳар куни юксалишнинг бир пиллапояси бўлди. Маҳаллий хом-ашёдан оддийгина уй жиҳозлари ишлаб чиқаришдан, то йўлларимизда ўз автомобилларимиз шамолдек ела бошлагунга қадар бўлган улкан тарих яралди. Буларнинг ҳаммаси республикамиз ҳукумати олиб бораётган йўл нақадар тўғри ва оқилона эканлигини кўрсатиб турибди.

Қанчалик қийин бўлмасин, иқтисодий соҳада кўзланган дастлабки мақсадлар амалга ошди. Халқимиз чинакам демократияни, озодлик ва тинчликни ҳис қилди. Ватан — ҳаммага, ҳар бир киши ва унинг орзу-умидлари рўёбга чиқишига олтин бешик эканлигини тушунди. Ана шу бешикни тебратаётган қўллар қудратига ишончи ва меҳри ортди. Ўз маънавиятининг эгаси бўлиб майдонга чиқди. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу маънавият билан буюк.

Ўнлаб йиллар мобайнида ёт ва бегона қолипга солинган, сиқув ва тазйиқда сақланган қалблардан шарқона меҳр-оқибат, инсонийлик туйғулари вулқондек отилди.

Юракда Ватан деган туйғу, ўзлик деган ҳикмат бор. Бу икки буюклик бизни улуғ ишларга чорламоқда. Токи, фарзандларимизга эртага ғурур билан шу қутлуғ ишларни биз қилганмиз дегулик этсин!

Дейишадики,халқ мамлакат олдида бурчлидир. Маънавиятнинг биринчи шарти ана шу бурчни англаш. Уни деҳқон ҳам, раҳбар ҳам, ишчи ҳам, олиму адиб ҳам, талаба ҳам бир хил англаши керак. Субҳидамда кўз очганим шу Ватан меники, шу осмон, шу ер меники, тупроғини кўзга сурай, боболар хокини тавоб этай. Бу ҳурмат менга ҳам қайтгусидир. Мен ўтказган ниҳолдан авлодлар баҳраманд бўлсин. Бутоқлари биз бўлиб, набираларимиз бошини силасин. Япроқлари шовуллаб, уларни мардликка, саҳоватга чорласин. Ватан яшар экан, биз ҳам яшаймиз.

Зеро, одамзод дунёда икки нарса — она ва она-Ватан билан ягонадир.

Миллат ҳам, Ватан ҳам собит туриши учун маънавиятимизни янада юксалтирмоғимиз шартлилигини бугун халқимиз англаб етди. Маънавият заҳматкашлари — адабиёт ва санъат номояндалари, маданият арбоблари бу хайрли ишга салмоқли ҳисса қўшишларига шубҳа йўқ.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи»шарҳловчиси.**
**Жуманазар ЮСУПОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

«Юксак маънавиятсиз келажак йўқ».

Учрашувда юртбошимизнинг ҳар бир сўзини эшитганда унинг мағзини чақишга ҳар ким ўзича ҳаракат қиларди. Гўё қадим маънавиятимиз ОЙДИН ЙЎЛга чиқиб олаётгандай туюлди менга.

Аслида маънавиятнинг моҳияти- маъноларидан бири — ёруғликдир. Қайси бир донишманд уни кўнгилда порлаган қуёшга ўхшатган. Чунки у руҳга, илоҳиётга алоқадор тушунчадир. Шунинг учун ҳам айрим туркий халқлар маънавиятни руҳоният, деб юритадилар. Комил инсонлар ҳар қандай шароитда ҳам ҳақни, ҳақиқатни дил кўзи билан кўришга интилиб келганлар. Улар бу фоний дунёдан дорулбақо сари йўл олсалар-да, асрлар қаъридан машъаладай нур сочиб турадилар. Гоҳида бу машъаланинг юзини «қора булут»лар қоплаши мумкин, лекин уни ҳаргиз ўчира олмагай...

Дарҳақиқат, узоқ йиллар «Маънавият» сўзини онгимиздан, шууримиздан ўчириб ташламоқчи бўлдилар. Қўлларидан келмади. «Маънавият» сўзининг моҳиятини ўзларича «идеология» дея талқин қилмоқчи бўлдилар. Қўлларидан келмади. «Маънавият»ни луғатларга киритмадилар. Коммунистик мафкуранинг серсоқол, тепакал, бароққош доҳийлари маънавият асоси — муқаддас диний китоблардан энг эзгу, нодир фикрларни кўчириб олиб, коммунизм қурмоқчи бўлдилар. Қўлларидан келмади...

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, мустақиллик туфайли «Маънавият» калимаси истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ юртбошимиз томонидан илк бор тилга олиниб, унинг асл маъноси халқимиз онгига мунтазам сингдириб борилди.

Шу кунларга етгунча, шу ОЙДИН ЙЎЛга чиқиб олгунча озмунча депсинишлар, озмунча курашлар рўй бермади, дейсиз? Бу борада сарбоннинг ақл-идроки, ўрни келганда кўрсатган жасорати, совуққонлик ва қатъиятидан кўз юмиш адолатдан бўлмас.

Шу ОЙДИН ЙЎЛга чиқмаслик мумкин эдими? Мумкин эди. Узоққа бормасдан, айрим ён қўшниларимизни мисол олайлик. Ҳалига қадар «коммунистчасига» яшаётганлар камми? 1990—1991 йиллдаги қалтис вазиятни эсланг: ўшанда озгина адашиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Чунки биринчи кунларданоқ пок юрак, пок ният билан, иймон, эътиқод билан истиқлолни савоб ишлардан бошлангани учун ҳам, юртбошимизнинг ўзи айтмоқчи, «Шукрки, Аллоҳ бизни тўғри йўлдан оздирмади». Яна у киши «Жамиятда тинчлик, осойишталик, тотувлик муҳити ҳукм сурса, хоҳ иқтисодий, хоҳ ижтимоий бўлсин, ҳар қандай муаммонинг ечимини топиш мумкин» деганда, шуни назарда тутмадимикин? Ўша йилларни бир кўз олдингизга келтиринг. «Қизил аждаҳо» жон талвасасида! Дам Ўшда, дам Қўқонда, дам Паркентдаги ғалаёнлар, бунинг устига «қайта қуриш», «ошкоралик» байроқдорларининг Русияга тақлидан ўтказган митинглари. Хўш, шундай шароитда жиндай тўғри йўлдан озилса нима бўларди? Қирғин бўларди, қиёмат бўларди. Сир эмас, бугун биз ҳам «Хайрият, ўшанда юртбошимизни тўғри йўлдан оздирмаган экансан» дея Аллоҳга шукроналар айтамиз. Аммо ўшандаги айрим мухолифатчи дўстларимиз (уларнинг аксарияти бугун истиқлол учун мардона хизмат қилишяпти) Ислом Каримовни журъатсизликда айблаган эмасмидилар? Хўш, улар айтгандай, ўйламасдан «журъат» қилинганда нима бўларди? Президент босиқлик қилди.

«Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди. Биз бу булоқларнинг зилол сувидан баҳраманд бўла бошладик...»

Ана шу фикрнинг шарҳи катта бир китоб бўлади.

Бу дунёда арвоҳ, яъни руҳларни рози қилиб яшаш керак. Халқда «Арвоҳ рози — худо рози», «Ота-бобонгнинг руҳини чирқиллатма» деган ҳикматли гаплар бор. Руҳлар рози бўлган мамлакатда фаровонлик бўлади, ободончилик бўлади. Арвоҳ рози бўлмаган ерда бора-бора руҳ «чирқираб» исён кўтаради. Адолат бузилса аввал руҳлар, кейин одамлар исён кўтарадилар. Натижада Ер куррасининг ўша минтақасида қон тўкилади, мамлакат харобазорга айланади.

Юртимизда Имом ал-Бухорий, Баҳовуддин Нақшбанд, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, аз-Замахшарий, Улуғбек, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Файзулла Хўжаев каби ўнлаб улуғ зотларнинг номини замонлар чангидан тозалаб, ҳурматларини жойига қўйиш мамлакатимизда пок руҳлар розилиги, уларнинг тантанаси эмасми?

Мана энди буюк Амир Темур ҳазратларининг юбилейи ва унга кўрилаётган оламшумул тайёргарлик. Бир пайтлар етти иқлимни эгаллаган соҳибқирон ҳазратларининг муборак номлари бугун яна етти иқлим бўйлаб таралмоқда. Бу кимнинг иши? Юртбошимизнинг саъйи- ҳаракати эмасми? Парижда ўтказилган Темур даври маънавияти байрами тантаналари, нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО томонидан ўтказилган тадбирлар... Амир Темур ҳайкали, Темур ва темурийлар даври давлат музейининг ниҳоятда қисқа муддатда битказилиши халқимиз маънавий дунёсини тубдан ўзгартириб юборди.

«Шўро даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобо-калонларимизнинг дурдона сўзларини биз обикавсардек кўзимизга суртмоқдамиз». Яна бир зум сукут сақлаб, босиб ўтилган истиқлол йўлимизга кўз ташлаймиз.

Бугунги ўсмирлар бир вақтлар «Наврўз»нинг бадном қилинганига ишонмасалар керак.

Бугунги ўсмирлар «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» дея қамалиб, хўрланган ота-боболарининг аянчли қисматини даҳшатли эртак деб билсалар керак.

Бугунги ўсмирлар оталарининг бобо-бувилари жанозасига қатнашгани учун ишдан ҳайдалганларини билмайдилар.

Афсуски, бу шундай бўлган эди. Биз мустақилликка худди ана шу муаммо ва фожиалар талотуми билан кириб келган эдик. Шунга қарамай, юртбошимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ қанчалик оғир бўлмасин, ишни савобдан — ана шу муаммоларни ҳал этишдан бошлагани бугун кўпларнинг эсида бўлмаса керак. Ўша йиллари «қизил кишан»дан эндигина қутулганимизга қарамасдан Президентимиз қатъий ишонч билан: «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат!» деган шиорни ўртага ташлади. Бировлар ишонди, бировлар иккиланиб қаради. Бироқ Президент мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросини савоб ишларга даъват этди:

«Савоб ишни ҳар ким қилиши керак,

Савоб ишни ҳар кун қилиш керак!»

Кўп болали оналар, уруш ногиронлари, нафақахўр қариялар ижтимоий ҳимоялаб турилди.

Бировлар «Ўзбекистон Президенти бозор иқтисодиётига ўтишда сусткашлик кўрсатяпти» деганда, у киши қатъий туриб ўз тамойилларини эълон қилди: «Бозор иқтисодиётига ўтишда бизнинг ўз йўлимиз бор», деди.

Яна... Эндигина тинчиб, барқарорлик таъминланаётган пайтда:

«Қўш фуқаролик...»

«Паспорт масаласи...»

«Интеграция...»

«Евроосиё...»

«Сайловолди Русияда коммунистик хуружлар...»

«Жириновскийга ўхшаганларнинг жиртаки хуружлари...».Ўшанда ҳам Ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарлари орасида биринчи дадил, адолатли гапни бизнинг Президент айтмаган эдими?

***Президент ҳузуридаги салкам уч соатлик самимий суҳбатдан нафақат камина, балки бошқа қатнашчилар ҳам диллар қувончларга тўлган ҳолда, чексиз ҳаяжон, «Биз шу юрт фуқаросимиз», «Биз шу юрт эгасимиз», «Шу юрт маънавияти тарғиботчиларимиз!» деган фахр ва ғурур туйғулари билан, айни пайтда катта масъулият юки билан чиқдик.***

(Давоми 4-бетда)

UZINFO МАРКАЗИ
ДУНЁ: ЭНГ СЎНГГИ ВОҚЕАЛАР

### ФАЛАСТИН РАҲБАРИНИНГ ТАШРИФИ

***ТОКИО. Фаластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арафот Японияга келди.***

Тўрт кун давомида у Япония ҳукумати раҳбарлари билан учрашиб, Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш билан боғлиқ масалалар юзасидан музокаралар ўтказади.

### ҲАМКОРЛИККА ПУТУР ЕТКАЗМАЙДИ

***ВАШИНГТОН. Японияниг Окинава оролида ўтказилган референдум натижалари эълон қилингандан сўнг, Оқ уй матбуот котиби Майкл Маккэрри «Бу натижалар мазкур оролда жойлашган қўшинларимизга ҳеч қандай таҳдид солмайди, шунингдек, хавфсизлик ва мудофаа ишларидаги АҚШ-Япония ҳамкорлигига путур етказмайди», дея баёнот берди.***

АҚШ ахборот маҳкамалари эълон қилган маълумотларга кўра, Окинава ороли аҳолисининг 91 фоизи бу оролдаги АҚШ қўшинлари сонини қисқартириш ва уларнинг мавқеини қайтадан белгилаш тарафдоридир.

### «СЭЛИ» ТЎФОНИ САБАБ...

***ПЕКИН. Хитой жанубида юзага келган «Сэли» тўфони туфайли 140 киши ҳалок бўлиб, юздан ортиқ киши изсиз йўқолди.***

Бундан ташқари, иқтисодиётга ҳам катта зарар етди: кўплаб экин майдонлари пайҳон бўлди, турар жой бинолари шикастланди. 30 мингта яқин киши бошпанасиз қолган.

### ПОРТЛОВЧИ ҚУРИЛМА ЗАРАРСИЗЛАНТИРИЛДИ

***ДУШАНБЕ. Тожикистондаги хавфсизлик хизмати ходимлари мамлакат пойтахтининг марказий кўчаларидан бирига қўйиб кетилган кучли портловчи қурилмани зарарсизлантирди. Унда 1200 грамм тротил — портловчи модда бўлган.***

Тожикистон Хавфсизлик вазирлиги вакилларининг таъкидлашича, ушбу қўпорувчилик ҳаракати ҳукуматга қарши бўлган сиёсий кучлар томонидан режалаштирилган бўлиб, 9 сентябрь — мамлакат мустақиллиги кунида амалга оширилиши лозим эди.

### КЕМА СОТИШ НИЯТИДА

***ИСЛОМОБОД. Хитой Покистонга ракеталар билан «жиҳозланган» тўртта жанговар кема сотиш ниятида. Ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, кемаларда сув остидаги миналарни қидириб топиш ва зарарсизлантиришга мослашган қурилмалар ҳам мавжуд.***

Покистон Ҳарбий-денгиз қўшинлари вакиллари мамлакатдаги ҳарбий қўшинларнинг қайта қуроллантирилаётгани ва бу борада анча етишмовчиликлар юзага келаётганини мазкур кемаларни сотиб олишга асосий сабаб қилиб кўрсатмоқда. Уларнинг таъкидлашича, кемалар билан бирга Хитой технологияси ҳам харид қилиниб, келгусида Покистоннинг ўзида шундай кемалар қуриш ташкил этилади.

# ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

### «Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

*Халқаро алоқалар мустаҳкамланмоқда*

## САРМОЯЛАРГА КАФОЛАТЛАР

***Кеча Тошкентда республика енгил саноатига хорижий сармояларни жалб этиш масалаларига бағишланган халқаро семинар бўлди. Семинарда ўзбекистонлик мутахассислар билан биргаликда Германия, Италия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Туркия дипломатия ва савдо-саноат доираларининг вакиллари иштирок этди.***



Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов семинар иштирокчиларига Президент Ислом Каримовнинг саломини етказди. У мамлакатимизда хорижий сармояларни муҳофаза қилиш учун мустаҳкам қонуний асослар, имтиёзлар ва сармояларга кафолат тизими яратилганини таъкидлади. Шу сабабли республика иқтисодиётига хорижий маблағнинг келиши муттасил кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон ҳукумати тўқимачилик саноатини енгил саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналиши қилиб белгилади, чунки республикамизда саноатнинг бу тармоғи учун зарур хомашё — пахта, пилланинг улкан заҳиралари, шунингдек, газлама ва ундан буюмлар ишлаб чиқарадиган ривожланган инфратузилма мавжуд. Семинар иштирокчилари ва ташкилотчилари шу ернинг ўзида ташкил этилган кўргазмада «Ўзенгилсаноат» уюшмаси корхоналарида ишлаб чиқарилган ип газламалар ва шойи газламаларнинг намуналари билан танишдилар, томоша дастури намойишида ана шу газламалардан Ўзбекистонда тайёрланган кийим-кечакларнинг янги моделларини кўрдилар.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқарувининг раиси Р. Азимовнинг таъкидлашича, бўлиб ўтган семинар хорижий мамлакатларнинг вакилларига Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга маблағ солиш ишончли иш эканига, сармоялар тезда қопланишига ва ўз навбатида улар республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятига, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга кўмаклашишига ишонч ҳосил қилиш имконини беради.

## МАВСУМГА ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК ЗАРУР

10 сентябрь куни республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигида бу йилги пахта йиғим-терим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Уни республика Бош вазирининг ўринбосари Р. Гиниятуллин бошқарди. Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар, банклар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг ва вилоят ҳокимларининг ўринбосарлари, вилоятлар деҳқончилик-саноат уюшмалари раҳбарлари қатнашди.

Вазирлар Маҳкамасининг 22 августда қабул қилинган «1996 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори пахта етиштиришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган муҳим ҳужжат экани йиғилишда алоҳида таъкидланди. Мазкур қарорда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши қишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлигини оширишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда ғўза баргини тўктириш, қишлоқ хўжалик техникаси ва агрегатларни мавсумга шайлаш, йиғим-теримда иштирок этадиган машиналарни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, пахтакорларга тиббий ва маданий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

## ИСЛОҲОТЛАР ФАОЛ ИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ

***10 сентябрь куни Гулистонда Ўзбекистон Респбликаси Вазирлар Маҳкамаси хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш мажмуининг сайёр мажлиси бўлди. Мажлисни Бош вазир ўринбосари, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен бошқарди.***

Мажлисда вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмаларнинг, Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг, банклар ва биржаларнинг, шунингдек, Сирдарё вилояти шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг раҳбарлари иштирок этди. Мажлисга кўпгина оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ҳам таклиф этилди.

Сирдарё вилоятида иқтисодий ислоҳотларнинг қандай амалга оширилаётгани кун тартибидаги асосий масала бўлди. Умуман, вилоятда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришдан тушадиган маблағ, хусусий ва кичик корхоналарни ташкил этиш ва уларни рўйхатга олиш, бозор инфратузилмалари ташкилотларини ташкил қилишга доир вазифалар бажарилаётгани мажлисда таъкидлаб ўтилди. Шунга қарамай, бу ерда иқтисодий имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаяпти, хусусийлаштириш ишларини кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун жойларда тегишлича ташаббускорлик кўрсатилмаяпти.

Иқтисодий ислоҳотларни, жумладан, Сирдарё вилоятида амалга оширишда иштирок этаётган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари қаттиқ танқид қилинди. Бу ҳол Сирдарё вилоятининг саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, бошқа тармоқларидаги ишлар даражасига таъсир қилмоқда.

Мажлисда вилоятда бозор муносабатларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган турли ғовларни бартараф этиш тўғрисида гаплашиб олинди, аҳволни ўнглаб олиш учун тавсиялар берилди ва қарорлар қабул қилинди. Вилоятда қолоқликни, расмиятчиликни бартараф этишга, Ватанимиз фаровонлиги йўлида иқтисодий ислоҳотларни тезлаштиришга қодир бўлган кишилар топилади, деб ишонч билдирилди.

Мажлисда Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Ҳасанов сўзга чиқди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари В. Чжен, Сирдарё вилояти ҳокими Ғ. Ҳасанов Гулистонда Сирдарё вилояти Бизнес марказини тантанали очиш маросимида иштирок этди.

Бу бино замонавий алоқа воситалари, компьютер техникаси, қулай мебель билан жиҳозланган, яъни Мирзачўл тадбиркорларининг фаол ишлаши учун ҳамма имконият яратилган. Улар Бизнес марказида ҳуқуқий ва аудиторлик ёрдами олишлари, ўз корхоналарини расмийлаштириш ва кредит олиш учун зарур ҳужжатларни марказ ёрдамида тўғри тўлдиришлари мумкин. Хуллас, ҳар қандай фойдали ишни авж олдиришда марказ тадбиркорларга ёрдам беради. Бизнес марказининг ишга туширилиши кўп одамларни ўз бизнесини ташкил этишга, Мирзачўл иқтисодиётини ривожлантиришга жалб этади, деган ишонч билдирилди. Халқ истеъмоли моллари кўргазма-савдоси бунинг далилидир, вилоят тадбиркорлари ўзларининг сифатли ва арзон маҳсулотларини кўргазмага қўйишган.

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

# СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## I. Умумий қоидалар

### 1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилмоқда:

**«селекция ютуғи»** — ўсимликлар нави, ҳайвонлар зоти;

**«нав»** — ўсимликлар гуруҳи бўлиб, у наслдан-наслга барқарор ўтувчи, муайян генотип ёки генотиплар комбинациясини бошқалардан ажратиб турувчи белгиларга қараб аниқланади ва айни бир ботаник таксондаги бошқа ўсимликлар гуруҳидан бир ёки бир неча белгилари билан фарқланади. Клон, линия, биринчи авлод дурагайи, популяция навнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**«зот»** — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ биологик ва морфологик хусусиятлари ҳамда белгиларига қараб аниқланадиган ҳайвонлар (шу жумладан, паррандалар, ҳашаротлар, ипак қурти) ёки уларнинг дурагайлари гуруҳи бўлиб, бу хусусиятлар ҳамда белгиларнинг айримлари муайян гуруҳгагина хос бўлиб, уни ҳайвонларнинг бошқа гуруҳларидан фарқлаб туради. Зот гуруҳи, зот ичидаги тип (зонал тип), завод типи, завод линияси, зот оиласи, партеноклонлар, линиялар, дурагайлар зотнинг муҳофаза қилинадиган объектларидир;

**«аризачи»** — патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топширган жисмоний ёхуд юридик шахс;

**«патент эгаси»** — селекция ютуғининг эгаси бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи ҳимоя ҳужжатига (патент ёки гувоҳномага) асосланади;

**«патентга эгалик қилувчи»** — селекция ютуғининг эгаси бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи патентга асосланади;

**«гувоҳномага эгалик қилувчи»** — селекция ютуғининг эгаси бўлиб, унинг мулк ҳуқуқи гувоҳномага асосланади;

**«иш берувчи»** — селекция ютуғини яратиш тўғрисида топшириқ берган ва бу топшириқ бажарилишини пул билан таъминлайдиган жисмоний ёки юридик шахс;

**«лицензиар»** — селекция ютуғига тааллуқли ҳимоя ҳужжатининг эгаси бўлган жисмоний ёки юридик шахс;

**«лицензиат»** — лицензиардан селекция ютуғидан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқини олган жисмоний ёки юридик шахс.

### 2-модда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва селекция ютуқларини яратиш, ҳимоя қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб турувчи бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Бошқа давлатларнинг юридик шахслари ва фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ушбу Қонунда назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланади.

Башарти Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланади.

### 3-модда. Селекция ютуқларини ҳимоя қилишнинг ташкилий асослари

Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси (матнда бундан кейин Патент идораси деб юритилади) селекция ютуқларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади.

Патент идораси селекция ютуқларига патентлар ва гувоҳномалар бериш ҳақидаги талабномаларни қабул қилиб олади ҳамда кўриб чиқади, селекция ютуқлари бўйича расмий экспертиза ўтказади, Селекция ютуқлари давлат реестрини юритади (матнда бундан кейин Давлат реестри деб аталади), ҳимоя ҳужжатлари беради, талабнома материаллари ва Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олиниб, ҳимоя қилинаётган селекция ютуқлари ҳақидаги маълумотларни расмий равишда эълон қилади, ушбу Қонунни қўлланиш ҳақида қоида ва тушунтиришлар чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш давлат комиссияси, Чорва наслчилиги бўйича бош давлат инспекцияси (матнда бундан кейин ихтисослаштирилган ташкилотлар дейилади) селекция ютуқларидан хўжаликда фойдаланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширадилар, талабномада кўрсатилган селекция ютуқларининг ҳимояга лаёқатлилиги экспертизасини ўтказадилар.

## II. Ҳуқуқ субъектлари

### 4-модда. Ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси

Ўзининг ижодий меҳнати билан ўсимлик нави ёки ҳайвон зотини яратган (аниқлаган ёки чиқарган) жисмоний шахс ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси деб ҳисобланади.

Башарти селекция ютуғини яратишда бир неча жисмоний шахс иштирок этган бўлса, уларнинг ҳаммаси селекциячи деб ҳисобланади. Селекциячиларга тегишли бўлган ҳуқуқлардан фойдаланиш тартиби улар ўртасидаги битимга биноан белгиланади.

Селекциячининг муаллифлик ҳуқуқи бошқага ўтказилмайдиган шахсий ҳуқуқ бўлиб, муддатсиз ҳимоя қилинади.

Селекциячининг муаллифлигини ўзлаштириб олиш, уни ҳаммуаллифликка мажбур қилиш қонунга мувофиқ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Селекциячининг муаллифлигига доир низолар суд тартибида ҳал этилади.

Селекциячи ҳимоя ҳужжати бериш ҳақидаги талабномада, ҳимоя ҳужжатида ва селекция ютуғи хусусида эълон қилинадиган барча материалларда ўз номи кўрсатилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Патент идораси патент эгаси бўлмаган ҳар бир селекциячига муаллифлик ҳуқуқини, шунингдек, селекция ютуғидан фойдаланганлик учун патент эгасидан мукофот олиш ҳуқуқини тасдиқловчи селекциячи гувоҳномасини беради.

### 5-модда. Хизмат тартибида яратилган селекция ютуғининг эгаси

Башарти селекциячи селекция ютуғини яратишда:

ўзи эгаллаб турган лавозимга хос вазифаларни бажарган бўлса;

селекция ютуғини яратиш мақсадида ўз зиммасига махсус юклатилган вазифаларни бажарган бўлса;

иш берувчи ёки топшириқ берган шахс томонидан ўзига берилган моддий воситалар ёки молиявий маблағлардан фойдаланган бўлса;

иш берувчи ташкилот иш жараёнида орттирган, шу ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этадиган билим ва тажрибадан фойдаланган бўлса, бундай ютуқ хизмат тартибида яратилган деб ҳисобланади.

Башарти селекциячи яратилган селекция ютуғи тўғрисида иш берувчини хабардор қилган кундан эътиборан тўрт ой ичида иш берувчи Патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқидан бошқа шахс фойдасига воз кечмаса ва селекция ютуғини сир сақлаш тўғрисида селекциячига маълум қилмаса, селекциячи талабнома топшириш ва ўз номига патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолда иш берувчи патент эгасига шартномада белгиланган миқдорда товон тўлаб, ўз корхонасида селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иш берувчи селекция ютуғини сир сақласа, у селекциячига тегишли миқдорда ҳақ тўлаши шарт, ҳақнинг миқдори шартномада белгиланади ва у махсус лицензиянинг бозор нархидан паст бўлмаслиги лозим.

Башарти селекция ютуғи хизмат тартибида яратилган бўлса, ушбу модданинг қоидаларини фақат ана шу селекциячига (селекциячиларга), иш берувчига ва топшириқ берган шахсга нисбатангина қўллаш мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг селекциячиси ўсимлик нави ёки ҳайвон зотига доир лицензиядан фойдаланилганлиги ёхуд у сотилганлиги учун ҳақ олиш ҳуқуқига эга, бу ҳақнинг миқдори ва уни тўлаш тартиби патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси билан тузилган шартномада белгилаб қўйилади.

Селекциячига (селекциячиларга) ҳақни патент эгаси ёки унинг ҳуқуқий вориси, башарти селекция ютуғидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби ва муддатлари тўғрисидаги шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида тўлайди.

Ҳақ селекциячига (селекциячиларга) селекция ютуғидан фойдаланилган ҳисобот даври тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида тўланади.

### 6-модда. Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди

Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк давлат фонди патент эгасининг давлат мулки жумласига кирадиган ёки давлат шартнома асосида сотиб оладиган селекция ютуқларига оид ҳуқуқлари ва мажбуриятларини амалга оширади.

## III. Селекция ютуғининг ҳимояга лаёқатлилиги

### 7-модда. Селекция ютуғи ҳимояга лаёқатли бўлишининг шартлари

Башарти селекция ютуғи янгилик, фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берса, у ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинади.

Ушбу Қонун 12-моддасининг талабларига мувофиқ селекция ютуғининг номи бўлиши лозим.

### 8-модда. Янгилик

Башарти уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулоти патент бериш ҳақида талабнома топширилган кундан эътиборан:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида — камида бир йил олдин;

бошқа давлат ҳудудида — камида тўрт йил ёки агар ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликларига тааллуқли бўлса, камида олти йил олдин селекциячи, унинг ҳуқуқий вориси томонидан ёки унинг розилиги билан сотилмаган ва фойдаланиш учун бошқа шахсларга берилмаган бўлса, янгилик ҳисобланади.

### 9-модда. Фарқланиш

Селекция ютуғи талабнома топширилган санада бошқа ҳар қандай барчага маълум селекция ютуғидан аниқ-равшан фарқланиши лозим.

Башарти селекция ютуғига бошқа мамлакатда ҳимоя ҳужжати бериш ҳақида талабнома топширилган ва унга мувофиқ патент ёки шунга ўхшаш ҳимоянинг бошқа бир шакли берилган бўлса ёхуд селекция ютуғи шу мамлакатнинг селекция ютуқлари расмий реестрига киритилган бўлса, селекция ютуғи талабнома топширилган санада барчага маълум деб ҳисобланади.

Барчага маълумлик:

кейинчалик кўпайтириш, сақлаш мақсадларида етиштириш, такрор етиштириш, кондицияга етказиш ва юқорида санаб ўтилган мақсадларда асраш натижасида барчага маълум билим даражасининг бир қисмига айланган селекция ютуғига нисбатан;

сотишга таклиф этилган, сотилган, мамлакатга олиб кирилган ёки мамлакатдан олиб чиқиб кетилган селекция ютуғига нисбатан аниқланади.

### 10-модда. Ўхшашлик

Селекция ютуғи кўпайтиришнинг ўзига хос жиҳатлари туфайли юзага келиши мумкин бўлган айрим фарқларни ҳисобга олган ҳолда ўзининг белгилари бўйича етарли даражада ўхшаш бўлиши лозим.

### 11-модда. Барқарорлик

Селекция ютуғи бир неча марта кўпайтирилганидан кейин ёки алоҳида цикл бўйича кўпайтирилган тақдирда кўпайтиришнинг ҳар бир цикли охирида унинг асосий белгилари ўзгаришсиз қолса, у барқарор ҳисобланади.

### 12-модда. Селекция ютуғининг номи

Селекция ютуғининг талабнома топширувчи таклиф этган ва Патент идораси томонидан қабул қилинган номи бўлиши лозим.

Селекция ютуғининг номи селекция ютуғига мос бўлиши, қисқа бўлиши, шу ёхуд шунга яқин ботаник ёки зоологик турдаги мавжуд селекция ютуқларининг номидан фарқланиб туриши керак. Селекция ютуғининг номи фақатгина рақамлардан иборат бўлиб қолмаслиги, селекция ютуғининг хусусиятлари, келиб чиқиши, аҳамияти ҳақида, селекциячининг (селекциячиларнинг) шахси ҳақида янглишишларга сабаб бўлмаслиги, инсонпарварлик ва ахлоқ қоидаларига зид бўлмаслиги лозим.

Ўсимлик нави ёки ҳайвон зотининг номи Давлат реестрида қайд этилиши билан бир вақтда унга ҳимоя этиладиган ўсимлик нави ёки ҳайвон зоти тўғрисидаги маълумотлар киритиб қўйилади.

Башарти селекция ютуғини ҳимоя қилиш талабномаси Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларда топширилса, селекция ютуғининг номи бу талабномаларда бир хил бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома тузган мамлакат ҳудудида навнинг уруғи ёки кўчатини ёхуд зотдор ҳайвонлар гуруҳини сотишни таклиф этаётган ёки сотаётган ҳар қандай шахс ана шу нав ёки ҳайвон зотининг номидан, башарти, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари тўсқинлик қилмайдиган бўлса, ҳатто ана шу нав ёки ҳайвон зотига берилган патентнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин ҳам фойдаланиши шарт.

## IV. Патент ва гувоҳнома олиш

### 13-модда. Селекция ютуғининг патенти ва гувоҳномаси

Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқ патент ёки гувоҳнома билан тасдиқланади.

Патент ҳимояга лаёқатлилик мезонларига жавоб берадиган ва Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ботаник ва зоологик навлар ҳамда турларга тааллуқли селекция ютуғига берилади.

Патент селекция ютуғининг янгилик эканлигини, фарқланишини, ўхшашлиги ва барқарорлигини, шунингдек, патентга эгалик қилувчининг селекция ютуғи номига, унга эгалик қилишга, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини тасдиқлайди.

Гувоҳнома ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига жавоб берадиган ҳамда Ўзбекистон Республикасида ҳимоя қилинадиган ва ҳимоя қилинмайдиган ботаник ва зоологик турлар ҳамда хилларга тааллуқли селекция ютуғига берилади.

Гувоҳнома гувоҳномага эгалик қилувчининг селекция ютуғининг номига бўлган ҳуқуқини, унга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

Патентга эгалик қилувчи ва гувоҳномага эгалик қилувчининг ҳуқуқи селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисида Патент идорасининг расмий бюллетенида маълумот эълон қилинган кундан эътиборан амалда ҳисобланади.

Патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиш муддати селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олинган кундан эътиборан йигирма йилни, ток, ёғочбоп, манзарали, мевали дарахтлар ва ўрмон ўсимликлари, шу жумладан, уларнинг пайвандтаглари учун йигирма беш йилни ташкил этади.

Патент ва гувоҳноманинг амал қилиш муддати патент эгасининг илтимосномасига биноан кўпи билан ўн йилга узайтирилиши мумкин.

### 14-модда. Патент ёки гувоҳномаға бўлган ҳуқуқ

Патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига селекциячи (селекциячилар) ёки унинг ҳуқуқий вориси (ҳуқуқий ворислари) эга бўлади.

Башарти бир неча шахс биргаликда битта селекция ютуғи яратган бўлсалар, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига уларнинг ҳаммаси эга бўлади. Улардан биттасининг ёки бир нечасининг патент ёхуд гувоҳномага бўлган ҳуқуқдан воз кечиши бошқаларнинг патент ёки гувоҳнома олиш тадбирида иштирок этишига дахл қилмайди.

Селекциячининг ўз хизмат вазифаларини, аниқ топшириқни бажариши билан боғлиқ ҳолда ёки иш берувчи ташкилотнинг ўзига хос жиҳатини ташкил этувчи билим ва тажриба ёрдамида яратган селекция ютуғига бериладиган патент ёки гувоҳномани олиш ҳуқуқига иш берувчи эга бўлади.

Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш селекциячи билан иш берувчи ўртасидаги шартномада расмийлаштирилади.

Селекциячи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг патент ёки гувоҳномани бошқа шахсга бериш тўғрисидаги талабномаси ёки аризасида кўрсатилган ҳар қандай шахс, башарти бу ариза Патент идорасига патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилинишига қадар тушган бўлса, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Агар бир неча шахс бир-биридан холи равишда селекция ютуғини яратган бўлса, патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқига Патент идорасига олдинроқ талабнома топширган ва бу талабномаси чақириб олинмаган ёки рад этилмаган шахс эга бўлади.

Селекция ютуғининг пантенти ёки гувоҳномасига бўлган ҳуқуқ, шунингдек, уларни олиш ҳуқуқи мерос бўлиб ўтади.

Патент эгаси патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қилинадиган селекция ютуғига доир ҳуқуқдан ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс фойдасига воз кечиши мумкин.

Селекциячи, башарти ўзи яратган ютуққа бошқалар томонидан ғайриқонуний равишда талабнома берилган ёки патент ёхуд гувоҳнома олинган бўлса, ҳимоя ҳужжати берилишига қарши суд тартибида эътироз билдириш ёки ҳимоя ҳужжати патент эгаси сифатида ўзига берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Патент идорасининг ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг хизматчилари ана шу ташкилотларда ишлаган бутун даврида ҳам, ишдан кетганларидан кейин бир йил давомида ҳам патент ёки гувоҳнома олиш, шунингдек, ўзларини селекциячи сифатида кўрсатиш ҳуқуқига эга эмас.

### 15-модда. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топшириш

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома селекциячи, иш берувчи ёки уларнинг ҳуқуқий ворислари томонидан Патент идорасига топширилади.

Аризачи биринчи талабнома топширилган давлат органи ҳимоя ҳужжати беришини кутиб турмай, бошқа давлатларнинг ваколатли органларига талабнома топшириши мумкин.

Талабнома шахсан, Патент идорасида рўйхатга олинган патент вакили ёки ишончли шахс орқали берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида доимий турар жойига ёки жойлашган ерига эга бўлмаган бошқа давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахслари, уларнинг патент вакиллари ёки ишончли шахслари ҳимоя ҳужжатлари олиш ва уларни ўз кучида сақлаш борасидаги ишларни Ўзбекистон Республикасининг патент вакиллари орқали олиб борадилар. Патент вакилининг ваколатлари унга аризачи ёки ишончли шахс берган ишончнома билан тасдиқланади.

### 16-модда. Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома:

патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги селекциячи (селекциячилар) ва кимнинг номига патент ёки гувоҳнома сўралаётган бўлса, ана шу шахс (шахслар), шунингдек, уларнинг турар жойи ёки жойлашган ерига доир маълумотлар кўрсатилган аризани;

селекция ютуғининг номи тўғрисидаги таклифни;

навнинг, зотнинг тавсифини (техникавий анкетасини);

намуналарнинг фотосуратларини;

аризачи томонидан ўтказилган нав ёки зот синовларига доир ҳужжатларни;

аризачининг селекция ютуғидан фойдаланилмаганлиги ва у сотилмаганлиги ҳамда унинг янгилик талабларига мослигини тасдиқлайдиган декларациясини;

устунликни тасдиқловчи ҳужжатни (заруратга қараб);

аризачининг нав ёки зотни синовдан ўтказиш учун материални белгиланган муддатда ихтисослаштирилган ташкилотга тақдим этиш мажбуриятини;

талабнома ишончли шахс ёки патент вакили орқали топширилганида уларга бериладиган ишончномани;

бож ёки йиғим белгиланган миқдорда тўланганлигини ёхуд бож ёки йиғим тўлашдан озод қилиш, шунингдек, унинг миқдорини камайтириш асосларини тасдиқловчи ҳужжатни ўз ичига олади.

Талабнома ўсимликнинг битта навига ёки битта ҳайвон зотига тааллуқли бўлиши лозим.

Ушбу модданинг биринчи қисми талабларига мос келадиган ҳужжатлар Патент идорасига келиб тушган кун талабнома топширилган сана деб белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳужжатлар аризачи томонидан талабнома топширилган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилади.

Башарти аризачи кўрсатилган муддат ичида ана шу ҳужжатларни тақдим этмаса ёки кўрсатилган муддатни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширмаса, талабнома топширилмаган ҳисобланади.

Селекция ютуғига доир ҳимоя ҳужжатини бериш ҳақидаги талабнома ҳужжатларига қўйиладиган талабларни Патент идораси ихтисослаштирилган ташкилотлар билан биргаликда белгилайди.

Ҳимоя ҳужжатлари бериш ҳақидаги талабнома материаллари Патент идорасида махфий сақланиши шарт ва расмий экспертиза ўтказиш даврида аризачи ёки патент эгасининг розилигисиз бу материаллар тўғрисида маълумотлар берилмайди.

### 17-модда. Селекция ютуғининг устунлиги

Селекция ютуғининг устунлиги ушбу Қонуннинг талабларига мувофиқ расмийлаштирилган талабнома Патент идорасига тушган санага қараб белгиланади.

Башарти селекция ютуғига доир ўхшаш талабномалар айни битта устунлик санасига эга бўлса, ҳимоя ҳужжати Патент идорасига олдинроқ сана билан юборилган талабномага ёки рўйхатга олиш рақами олдинроқ қўйилган талабномага берилади.

Башарти аризачи Патент идорасига талабнома топширишдан олдин Ўзбекистон Республикаси селекция ютуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома тузган бошқа давлатга талабнома (бундан буён матнда биринчи талабнома деб аталади) топширган бўлса, аризачи талабнома тушган санадан эътиборан ўн икки ой давомида биринчи талабнома бўйича устунлик ҳуқуқига эга бўлади.

Аризачи Патент идорасига жўнатаётган талабномасида биринчи талабноманинг устунлик санасини кўрсатиши лозим. Аризачи талабнома Патент идорасига тушган санадан эътиборан уч ой ичида биринчи талабноманинг нусхасини ва таржимасини тақдим этиши шарт. Бу шартлар бажарилган тақдирда аризачи биринчи талабнома топширилган санадан эътиборан уч йил давомида қўшимча ҳужжатлар ва синов учун зарур материал тақдим этмасликка ҳақли.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатиб ўтилган муддатга риоя этмаслик, шунингдек, белгиланган божлар ёки йиғимларни тўламаслик талаб этилаётган устунликни эътироф этмасликка сабаб бўлади.

Бошқа (кейинги) талабномани топшириш, биринчи талабноманинг мавзуси бўлган селекция ютуғини эълон қилиш ёки ундан фойдаланиш, башарти бу ишлар ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган муддат ичида амалга оширилган бўлса, кейинги талабномани рад этиш учун асос бўлолмайди. Бундай фактлар учинчи шахсларнинг бирон-бир ҳуқуқлари пайдо бўлиши учун ҳам асос бўлолмайди.

### 18-модда. Селекция ютуқларининг давлат экспертизаси

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат экспертизаси расмий экспертизани ва янгилик эканлигини экспертиза қилишдан ҳамда фарқлаш, ўхшашлик ва барқарорликни аниқлаш мақсадида давлат синовидан ўтказишдан иборат ҳимояга лаёқатлилик экспертизасини ўз ичига олади.

Патент бериш учун селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилиги жиҳатидан тўлиқ ҳажмда экспертиза қилинади.

Гувоҳнома бериш учун селекция ютуғининг экспертизаси селекция ютуғининг ўхшашлик ва барқарорлигини синаш доирасидагина ўтказилади.

### 19-модда. Талабноманинг расмий экспертизаси

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабноманинг расмий экспертизаси икки ой муддатда ўтказилади. Экспертиза давомида устунлик санаси белгиланади, зарур ҳужжатларнинг қўйиладиган талабларга қанчалик мослиги текширилади.

Расмий экспертиза ўтказилаётган даврда аризачи ўз ташаббуси билан талабнома материалларини тўлдиришга, уларга аниқлик ёки тузатишлар киритишга ҳақлидир.

Башарти белгиланган муддатда зарур аниқликлар киритилмаган ёки талабнома тушган санада унинг таркибида бўлмаган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, талабнома кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Расмий экспертизанинг натижалари тўғрисида аризачи ёзма равишда хабардор қилинади.

Аризачи расмий экспертизанинг хулосасига рози бўлмаса, хулосани олган санадан эътиборан уч ой давомида Патент идорасининг Апелляция кенгашига (матнда бундан буён Апелляция кенгаши деб юритилади) мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Расмий экспертизадан ўтган талабномани Патент идораси ҳимояга лаёқатлилигини экспертизадан ўтказиш учун тегишли ихтисослаштирилган ташкилотга жўнатади.

### 20-модда. Селекция ютуғининг муваққат ҳуқуқий ҳимояси

Ҳимоялаш талаб қилинган селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя талабнома тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олинган санага қадар белгиланади.

Селекция ютуғига муваққат ҳуқуқий ҳимоя белгиланган даврда аризачи ушбу Қонуннинг 31-моддасига мувофиқ патент эгасининг ҳуқуқига эга бўлади.

Башарти патент ёки гувоҳнома беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, бу қарор устидан шикоят қилиш имкониятлари тугаган бўлса, муваққат ҳуқуқий ҳимоя бошланмаган деб ҳисобланади.

Ҳимоялаш талаб қилинган селекция ютуқларидан уларга муваққат ҳуқуқий ҳимоя белгиланган даврда фойдаланаётган шахс патент эгасининг талабига биноан унга патент ёки гувоҳнома олинганидан кейин пул товони тўлаши шарт, бу товоннинг миқдори патент эгаси билан тузилган битимда белгилаб қўйилади.

### 21-модда. Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизаси

Селекция ютуғи янгилик эканлигининг экспертизасини ихтисослаштирилган ташкилот мавжуд ҳужжатлар ва далил-исботлар, шу жумладан, ўз ташаббуси билан олган ахборотлар асосида амалга оширади ва Патент идорасига талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик мезонига мувофиқ эканлиги тўғрисидаги хулосани тақдим этади. Патент идораси қабул қилган қарори тўғрисида аризачини хабардор этади.

Башарти талабномада кўрсатилган селекция ютуғи янгилик мезонига мос бўлмаса, Патент идораси патент беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Талабнома тўғрисидаги маълумотлар эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай манфаатдор шахс талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг янгилик эканлигига нисбатан ўз даъвосини Патент идорасига жўнатиши мумкин.

Патент идораси даъво олинганлигини аризачига маълум қилади. Аризачи даъвога рози бўлмаса, билдиришнома олган кундан эътиборан уч ойлик муддат ичида Патент идорасига далил-исботлар баён этилган эътирозини жўнатиш ҳуқуқига эга.

Аризачи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг патент беришни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан Апелляция кенгашига шикоят билан мурожаат этиши мумкин. Апелляция кенгаши Патент идорасининг ваколатлари доирасида қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

### 22-модда. Селекция ютуғининг давлат синови

Талабномада кўрсатилган селекция ютуғининг давлат синови фарқланиш, ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига мослигини синашдан иборатдир.

Давлат синовлари ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан белгиланган услуб ва муддатларда ўтказилади.

Аризачи синов ўтказиш учун керакли миқдордаги уруғлик, кўчат ёки насл маҳсулотларини ихтисослаштирилган ташкилот томонидан белгиланган манзилга кўрсатилган муддатда тақдим этиши шарт.

Ихтисослаштирилган ташкилот аризачи, Ўзбекистон Республикасининг ташкилотлари, шунингдек, бошқа давлатларнинг ваколатли органлари томонидан тақдим этилган синов натижаларидан фойдаланишга ҳақлидир.

Ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан белгиланадиган селекция ютуқларининг айрим турлари ва хиллари бўйича гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топширилганида ўсимлик навларини, ҳайвон зотларини Давлат реестрида рўйхатга олиш экспертиза баҳолари ёки аризачининг маълумотлари асосида амалга оширилади.

Ихтисослаштирилган ташкилот синов натижаларига қараб селекция ютуғининг ҳимояга лаёқатлилик мезонига мослиги тўғрисида хулоса чиқаради.

Башарти селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилик мезонларига мос бўлса, унинг номи белгиланган талабларга мос келса, ихтисослаштирилган ташкилот селекция ютуғининг расмий тавсифини тайёрлайди, Патент идораси эса, патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Башарти селекция ютуғи ҳимояга лаёқатлилик мезонларига мос бўлмаса, Патент идораси патент ёки гувоҳнома беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аризачи уч ойлик муддат ичида Патент идорасининг қарори устидан шикоят билан Апелляция кенгашига мурожаат қилиши мумкин. Апелляция кенгаши Патент идорасининг ваколатлари доирасида қабул қилган қарор узил-кесил ҳисобланади.

### 23-модда. Талабномаларни алмаштириш

Аризачи селекция ютуғи Давлат реестрида рўйхатга олингунига қадар гувоҳнома бериш ҳақидаги талабномани патент бериш ҳақидаги талабнома билан, патент бериш ҳақидаги талабномани эса, гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома билан алмаштиришга ҳақлидир.

Талабномаларни алмаштириш вақтида тегишли божлар ва йиғимлар тўланади.

### 24-модда. Талабномани чақириб олиш

Селекция ютуғига патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома аризачининг ёзма илтимосномасига биноан патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида ёки беришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилингунга қадар чақириб олиниши мумкин.

Аризачилар бир неча бўлса, талабнома улардан ҳар бирининг розилиги билангина чақириб олиниши мумкин.

### 25-модда. Талабномани қараб чиқиш муддатини узайтириш

Аризачининг илтимосномасига биноан талабномани қараб чиқиш муддати ушбу Қонун 19 ва 21-моддаларига мувофиқ уч ойга узайтирилиши мумкин, фақат бундай узайтириш кўпи билан икки марта амалга оширилади.

Муддатларни узайтириш тўғрисида илтимоснома топширганлик учун аризачи бож ёки йиғим тўлайди.

### 26-модда. Селекция ютуғини рўйхатга олиш

Патент идораси патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисида қарор қабул қилганидан кейин селекция ютуғини Ўзбекистон Республикаси Селекция ютуқлари давлат реестрида рўйхатга олади.

### 27-модда. Селекция ютуқларига доир маълумотларни расман эълон қилиш

Қараб чиқиш учун қабул қилинган талабномаларга, рўйхатга олинган селекция ютуқларига, Патент идорасининг юридик аҳамиятга молик амалларига доир маълумотлар, берилган патентлар ёки гувоҳномаларга доир янги навлар ва ҳайвон зотларининг тўлиқ тавсифлари, шунингдек, селекция ютуқларига алоқадор бўлган бошқа маълумотлар Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

### 28-модда. Патент ёки гувоҳнома бериш

Патентни ёки гувоҳномани Ўзбекистон Республикаси номидан Патент идораси беради.

Селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган

(Давоми 3-бетда).

*Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ*

# СЕЛЕКЦИЯ ЮТУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда).

санадан эътиборан олти ой ичида ҳар қандай шахс патент ёки гувоҳнома бериш тўғрисидаги қарорга эътироз билдиришга ҳақлидир.

Эътирозни Апелляция кенгаши тегишли ихтисослаштирилган ташкилотнинг вакиллари иштирокида эътироз билдирилган санадан эътиборан олти ой ичида кўриб чиқади.

Башарти патент ёки гувоҳнома беришга эътирозлар билдирилмаган ёки бундай эътирозлар рад этилган бўлса, Патент идораси селекция ютуғи рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумот эълон қилинган санадан эътиборан олти ой ичида патент ёки гувоҳнома беради.

Башарти бир неча шахс номига патент ёки гувоҳнома сўралаётган бўлса, уларга битта ҳимоя ҳужжати берилади.

Ҳимоя ҳужжатларининг шакли ва уларда кўрсатиладиган маълумотлар таркиби Патент идораси томонидан белгиланади.

Берилган ҳимоя ҳужжатидаги очиқ-равшан кўриниб турган ва техник хатолар патент эгасининг талабига биноан Патент идораси томонидан тузатилади.

Патент эгаси патент ёки гувоҳнома олганидан кейин ҳимоя қилинаётган нав ёки зотга таааллуқли зарур материални сақлаш учун жўнатади.

### 29-модда. Селекция ютуғини сақлаб қолиш

Патент эгаси навни, зотни патент ёки гувоҳноманинг амал қилиш муддати давомида шундай сақлаши шартки, нав, зот тегишли Давлат реестрида рўйхатга олинган санада тузилган уларга доир расмий тавсифда кўрсатилган белгилар сақланиб қолсин.

Патент эгаси ихтисослаштирилган ташкилотлар ва (ёки) Патент идорасининг сўровига биноан назорат синовларини ўтказиш учун нав уруғларини ёки насл материалини жўнатиши ва жойда текширув ўтказиш учун имконият яратиб бериши шарт.

### 30-модда. Божлар ва йиғимлар

Селекция ютуғига патент ёки гувоҳнома бериш ҳақида талабнома топшириш, талабномада кўрсатилган селекция ютуғини экспертиза ва синовдан ўтказиш, патент ёки гувоҳнома бериш, уни ўз кучида сақлаб қолиш, шунингдек, селекция ютуғининг экспертизаси ва ҳимояси билан боғлиқ юридик аҳамиятга молик амалларни бажариш учун божлар ёки йиғимлар ундирилади.

Бажарилганлиги учун божлар ва йиғимлар ундириладиган ҳаракатлар рўйхати, божлар ва йиғимларнинг миқдори ҳамда уларни тўлаш муддати, шунингдек, тўловдан озод қилиш, тўлов миқдорларини камайтириш ёки божлар ёхуд йиғимларни қайтариб бериш учун асослар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилади.

Божлар ва йиғимлар аризачи, патент эгаси ёки у билан келишган ҳолда бошқа манфаатдор жисмоний ёки юридик шахс томонидан тўланади.

Патентни, гувоҳномани ўз кучида сақлаганлик учун божлар, йиғимлар тўлашда патент эгасига олти ойлик имтиёзли муддат берилади. Бундай ҳолда патент эгаси қўшимча бож, йиғим тўлайди.

Имтиёзли муддат давомида патент эгасининг ҳуқуқлари ўз кучида қолади. Башарти патентни, гувоҳномани ўз кучида сақлаб қолганлик учун бож, йиғим, шунингдек, қўшимча бож, йиғим имтиёзли муддат давомида тўланмаса, патентнинг, гувоҳноманинг амал қилиши белгиланган муддатда бож, йиғим тўланмаган кундан эътиборан тўхтатилади.

## V. ПАТЕНТ ЭГАСИНИНГ ҲУҚУҚИ

### 31-модда. Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи

Патент эгасининг мутлақ ҳуқуқи шундан иборатки, ҳар қандай шахс ҳимоя қилинаётган селекция ютуғининг уруғлик, кўчат ёки насл материалини:

етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

экинбоплик кондициясига етказиш;

сотиш учун таклиф қилиш;

сотиш ва бошқа усулда реализация қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан олиб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш;

юқорида санаб ўтилган мақсадларда сақлаш учун патент ёки гувоҳнома эгасининг рухсатини олиши шарт.

Патент эгаси бундай рухсатни ўз хоҳишига кўра бирон-бир шарт ва (ёки) чекловлар билан беришга ҳақли.

Патент эгасининг ҳуқуқи унинг рухсатисиз хўжалик оборотига киритилган уруғлик ёки зотли ҳайвонлардан етиштирилган ўсимлик материалига ва чорва маҳсулотларига нисбатан ҳам амал қилади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳаракатларни:

ҳимоя қилинаётган нав, зот белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган, башарти ана шу ҳимоя қилинаётган нав ёки зот бошқа нав ёки зотнинг белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган бўлмаса;

ушбу Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ ҳимоя қилинаётган нав ёки зотдан аниқ-равшан фарқ қилмайдиган;

ҳимоя қилинаётган нав ёки зотдан бир неча марта фойдаланишни талаб қилган навнинг уруғлик, кўчат материалига ёки зотнинг насл материалига нисбатан амалга ошириш учун ҳам патент эгасининг рухсатини олиш зарурдир.

Нав ёки зот, бошқа (дастлабки) нав ёки зотнинг белгиларини жиддий равишда ўзида сақлаб қолган деб эътироф этилади, башарти дастлабки нав ёки зот:

дастлабки нав ёки зотнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса ва бу нав ва зот ҳам ўз навбатида ўзидан олдинги дастлабки нав ёки зот генотипи ёхуд генотиплар комбинациясини акс эттирадиган асосий белгиларни сақлаган ҳолда уларнинг энг муҳим белгиларини ўзида сақлаб қолган бўлса;

табиий ёки ҳосил қилинган мутантни саралаб олиш, дастлабки нав, зот ўсимликлари ёки ҳайвонларидан айрим мутантни саралаб олиш, беккросс, нав ёки зотни ген инженерияси усуллари билан ўзгартириш каби турли услубларни қўллаш туфайли юз берган фарқларни истисно этганда, дастлабки нав ёки зотдан аниқ-равшан ажралиб турса ва олдинги нав ёки зотнинг генотипи ёхуд генотиплар комбинациясига мос келса.

Бир неча селекциячига тегишли патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қилинган селекция ютуғидан фойдаланиш чоғидаги ўзаро муносабатлар ана шу селекецичилар ўртасидаги битимга мувофиқ белгиланади. Бундай битим бўлмаса, ҳар бир патент эгаси ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан ўз хоҳиши бўйича фойдаланиши мумкин, бироқ ҳимоя қилинаётган селекция ютуғига бошқа патент эгаларининг розилигисиз махсус лицензия беришга ёки патентдан ёхуд гувоҳномага бўлган ҳуқуқдан бошқа шахснинг фойдасига воз кечишга ҳақли эмас.

Патент эгалари ўртасидаги низолар суд тартибида ҳал этилади.

### 32-модда. Патент эгасининг ҳуқуқларидан истиснолар

Ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан:

шахсий ва нотижорат мақсадларида фойдаланиш;

синов-тажриба мақсадларида фойдаланиш;

бошқа навлар ёки зотлар яратиш учун дастлабки нав ёки зот сифатида фойдаланиш;

корхона, хўжалик патент эгасидан олган навли уруғлик ва насл материалидан икки йил давомида такрор етиштириш учун ана шу корхона, хўжалик ҳудудида фойдаланиш патент эгасининг ҳуқуқларини бузиш деб эътироф этилмайди.

### 33-модда. Патент эгаси ҳуқуқларининг тугаши

Ҳимоя қилинаётган нав ёки зотга доир ҳар қандай материал Ўзбекистон Республикаси ҳудудида патент эгасининг ўзи томонидан ёки унинг розилиги билан сотиш орқали ёхуд бошқа усулда реализация қилиш орқали ёинки қайта ишлаш ва истеъмол мақсадларида тегишли ботаник ёки зоологик турдаги нав ёки зот ҳимоя қилинмайдиган мамлакатга олиб чиқиш орқали оборотга киритилганидан кейин ҳимоя қилинаётган нав ёки зотнинг ҳар қандай маҳсулотига доир хатти-ҳаракатларга нисбатан патент эгасининг ҳуқуқи амал қилмайди.

Башарти навни ёки зотни сотиш ва бошқа усулда реализация қилиш ушбу нав ёки зотни кейинчалик кўпайтиришга қаратилган бўлса ёхуд тегишли тур ёки хилдаги нав ёхуд зот ҳимоя қилинмайдиган мамлакатларга кўпайтириш мақсадида нав ёки зотнинг ўсимлик ёхуд насл маҳсулотини олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ бўлса, ушбу модда биринчи қисмининг шартлари бу нав ёки зотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

### 34-модда. Патент эгаси ҳуқуқининг бузилиши

Рухсат олмаган ҳолда:

селекция ютуғини етиштириш ва такрор етиштириш (кўпайтириш);

селекция ютуғини экинбоплик кондициясига етказиш;

ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланган ҳолда яратилган маҳсулни сотишга таклиф қилиш, сотиш ва бошқача тарзда хўжалик оборотига киритиш;

сақлаш, олиб кириш, олиб чиқиш;

маълумотлар Апелляция кенгашига ёки аризачи ёхуд патент эгасининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган расмий чораларни амалга ошираётган шахсга ошкор этилишини истисно қилган ҳолда, селекция ютуғига оид тижорат сири ҳисобланган маълумотларни ошкор қилиш патент эгаси ҳуқуқларининг бузилиши деб эътироф этилади.

## VI. ПАТЕНТ ВА ГУВОҲНОМА АМАЛ ҚИЛИШИНИНГ ТЎХТАШИ

### 35-модда. Патент ёки гувоҳномани ҳақиқий эмас деб эътироф этиш

Патент ёки гувоҳнома ўзининг бутун амал қилиш муддати давомида, башарти:

селекция ютуғи патент бериш санасида янгилик ёки фарқланиш мезонларига мос келмаса;

патент ёки гувоҳнома аризачи тақдим этган селекция ютуғининг ўхшашлик ва барқарорлик мезонларига мослиги тўғрисидаги тасдиқланмаган маълумотларга асосан берилган бўлса, патент ёки гувоҳномага нисбатан эътироз билдирилиши ва улар ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши мумкин.

Ҳар қандай шахс Апелляция кенгашига патент ёки гувоҳномани ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги апелляция билан мурожаат қилиши мумкин.

Апелляция кенгаши апелляция нусхасини патент эгасига жўнатади, патент эгаси уч ойлик муддат ичида асосли жавоб қайтариши лозим.

Апелляция кенгаши, башарти селекция ютуғини қўшимча равишда синовдан ўтказиш зарурати юзага келмаса, апелляция бўйича олти ой ичида қарор қабул қилади.

### 36-модда. Патент ёки гувоҳноманинг амал қилишини муддатидан олдин тўхтатиш

Патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши:

Патент ёки гувоҳномани ўз кучида сақлаб келганлик учун божлар ёки йиғимлар белгиланган муддатда тўланмаса;

ҳуқуқ эгаси Патент идорасига патент ёки гувоҳномадан воз кечиш тўғрисида илтимоснома топширса, муддатидан олдин тўхтатилади.

Патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши муддатидан олдин тўхтатилганлиги тўғрисидаги маълумот Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

### 37-модда. Патент ёки гувоҳномани бекор қилиш

Патент ёки гувоҳнома, башарти:

патент ёки гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилса;

селекция ютуғи бундан буён ўхшашлик ва барқарорлик шартларига мувофиқ келмай қолса;

патент эгаси Патент идорасининг илтимосига биноан ўн икки ой ичида уруғликларни, кўчатларни, насл материалларини, ҳужжатлар ва ахборотни селекция ютуғи ўз кучини сақлаб қолганлигини текшириш учун тақдим этмаган ёки шу мақсадларда ўз жойида селекция ютуғини текшириб кўриш учун имконият яратиб бермаган бўлса;

селекция ютуғининг номи бекор қилинаётган, патент эгаси эса бошқа муносиб номни таклиф этмаган бўлса, бекор қилинади.

Патент ёки гувоҳноманинг бекор қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар Патент идорасининг бюллетенида эълон қилинади.

### 38-модда. Патент ёки гувоҳномадан воз кечиш

Патент эгаси ёзма ариза бериб, патент ёки гувоҳномадан воз кечиш ҳуқуқига эга.

Бир неча патент эгаларидан бирининг патент ёки гувоҳномадан воз кечиши патент ёки гувоҳноманинг амал қилиши тўхтатилишига олиб келмайди.

Патент ёки гувоҳномадан воз кечиш Патент идораси патент эгасидан ёзма ариза олган санадан эътиборан амал қила бошлайди.

Патент эгаси патент ёки гувоҳномадан воз кечиш нияти тўғрисида селекциячини хабардор қилиши шарт. Бундай ҳолда селекциячи патент ёки гувоҳномага эгалик қилиш учун имтиёзли ҳуқуққа эга бўлади.

Башарти патент ёки гувоҳнома лицензия шартномасининг объекти бўлса, патент ёки гувоҳномадан, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лицензия эгасининг розилиги билангина воз кечиш мумкин бўлади.

## VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

### 39-модда. Селекция ютуғига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш

Патент ёки гувоҳнома олиш ҳуқуқи, патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабнома Патент идорасида рўйхатга олинганлиги туфайли келиб чиқадиган ҳуқуқлар, шунингдек, патент ёки гувоҳномадан келиб чиқадиган ҳуқуқлар ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахсга ўтказилиши мумкин.

Ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқлардан бошқа шахс фойдасига воз кечиш шартномаси ёки лицензия шартномаси асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос ёки васиятнома орқали амалга оширилиши мумкни.

Селекция ютуғига эгалик қилиш ҳуқуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома, шунингдек, лицензия шартномаси Патент идорасида рўйхатга олинади.

### 40-модда. Селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга бериш

Патент ёки гувоҳнома бериш ҳақидаги талабномада ёхуд берилган патент ёки гувоҳномада кўрсатилган нав ёки зот лицензия шартномасининг мавзуси бўлиши мумкин.

Патент эгаси бўлмаган ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс патент ёки гувоҳнома билан ҳимоя қилинган селекция ютуғидан патент эгасининг рухсати билангина лицензия шартномаси асосида фойдаланишга ҳақлидир.

Патент эгаси Патент идорасига селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга бериш тўғрисида ариза топшириши мумкин (очиқ лицензия). Бу ҳолда патент ёки гувоҳномани ўз кучида сақлаганлик учун ундириладиган бож ёки йиғим эллик фоизга камайтирилади.

Патент эгасининг очиқ лицензияга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги аризаси чақириб олинмайди.

Очиқ лицензияни сотиб олиш истагини билдирган шахс патент эгаси билан тўловлар тўғрисида шартнома тузиши шарт. Шартнома тузиш шартларига доир низолар суд томонидан қараб чиқилади.

Патент эгаси махсус лицензия ёки махсус бўлмаган (оддий) лицензия берган ҳолда селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказиши мумкин.

Махсус лицензия берилганида лицензиат селекция ютуғидан шартномада айтиб ўтилган доирада фойдаланиш учун мутлақ ҳуқуқ олади, селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқининг лицензиатга берилмайдиган қисми лицензиарда сақланиб қолади.

Махсус бўлмаган лицензия берилганида лицензиар селекция ютуғидан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, селекция ютуғига берилган патент ёки гувоҳномадан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан, учинчи шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади.

Патент идораси рўйхатга олинган лицензия шартномалари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

### 41-модда. Мажбурий лицензия

Башарти патент эгаси патент ёки гувоҳнома берилган санадан эътиборан уч йил давомида селекция ютуғидан Ўзбекистон Республикасида фойдаланмаса ҳамда лицензия шартномаси тузишни рад этса ва агар мазкур селекция ютуғидан фойдаланмаслик жамият манфаатларига дахл қилса, бу селекция ютуғидан фойдаланишни истайдиган шахс ўзига махсус бўлмаган мажбурий лицензияни беришни сўраб ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин.

Мажбурий лицензия унинг эгасига патент эгасидан дастлабки уруғлик, кўчат ёки насл материалини олиш ҳуқуқини беради.

Мажбурий лицензия селекция ютуғидан йўл қўйиладиган услубда ва лицензияга мувофиқ фойдаланишини таъминлай оладиган шахсгагина берилади.

Мажбурий лицензия патент эгасининг ҳимоя қилинаётган селекция ютуғидан фойдаланишига ёки селекция ютуғидан фойдаланиш лицензиясини бошқа шахсга беришига тўсқинлик қилмайди.

Патент идораси мажбурий лицензиялар берилганлиги тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади.

### 42-модда. Селекция ютуғидан фойдаланиш

Башарти етиштирилган, такрор етиштирилган, экинбоплик кондициясига ёки кейинчалик кўпайтириш даражасига етказилган уруғлик, кўчат ёки насл материали ўзининг морфологик, физиологик ва бошқа белгилари бўйича ҳимоя қилинаётган селекция ютуғининг расмий тавсифида акс эттирилган маълумотларга мос келса, селекция ютуғидан фойдаланилган деб ҳисобланади.

### 43-модда. Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Селекция ютуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. Каримов.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 август.

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ҚАРОРИ*

## «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қилади:

1. «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукуматнинг қарорларини «Селекция ютуқлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар ўзларининг ушбу Қонунга зид бўлган норматив ҳужжатларини кўриб чиқишлари ҳамда бекор қилишларини таъминласин.
3. Собиқ СССРда селекция ютуқларига берилган ҳимоя ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилиши эътироф этилсин. Ана шу ҳимоя ҳужжатлари билан муҳофаза қилинган селекция ютуқларидан қонунга мувофиқ фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахслар селекция ютуқларидан лицензия шартномаси тузмаган ҳолда бундан буён ҳам фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Ана шу селекция ютуқларининг муаллифларига ҳақ тўлаш ҳимоя ҳужжати берилган санада қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда амалга оширилади.
4. Аризачиларга селекция ютуқларининг муаллифлари билан биргаликда талабнома топширилган кундан эътиборан йигирма йиллик муддат ўтмаган ҳимоя ҳужжатларининг амал қилишини тўхтатиш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя ҳужжатлари билан алмаштириш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.
5. Селекция ютуғи юзасидан ариза берувчиларга собиқ СССРда ёки бошқа давлатда топширилиб, иш юритиш тугалланмаган биринчи талабнома санасининг устунлигини сақлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳимоя ҳужжатларини бериш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқи берилсин.
6. Белгилаб қўйилсинки, алмаштириш тўғрисида илтимоснома топширилган ҳимоя ҳужжатлари билан муҳофаза қилинган селекция ютуқларидан қонунга мувофиқ фойдаланаётган шахслар бу ютуқлардан лицензия шартномаси тузмаган ҳолда ҳимоя ҳужжатини алмаштириш тўғрисида илтимоснома топширилган санада эришилган ишлаб чиқариш ҳажми доирасида бундан буён ҳам фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қоладилар.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси** **Э. Халилов.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 30 август.

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

## Бугун Тошкентда «Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» деб номланган семинар-кенгаш ўз ишини бошлайди

***Унда ўн уч давлат — Белорусь ва Бельгия, Ватикан ва Дания, Қозоғистон ва Канада, Латвия ва Литва, Нидерландия ва АҚШ, Швейцария, Швеция ва Ўзбекистон мутахассислари иштирок этадилар. Тошкентга халқаро ва ноҳукумат жамоат ташкилотлари раҳбарлари ташриф буюрдилар. Ўзбекистонда рўйхатга олинган дипломатия корпуси вакиллари ҳам анжуманга таклиф этилди.***

Семинар-кенгаш ЕХҲТнинг демократик муассасалар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ЕХҲТ ДМИҲБ) ва республика ҳукумати томонидан ташкил этилган. Анжуман уч кун давом этади. Унинг дастури ниҳоятда кенг. Хилма-хил масалалар — ЕХҲТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича мажбуриятларидан тортиб, оммавий ахборот воситалари ва ноҳукумат ташкилотларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасаларни ривожлантиришдаги аҳамиятига доир масалаларгача муҳокама қилинади.

Ўзбекистон бундай семинар ўтказиладиган жой сифатида бежиз танланмаган. Республика инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб халқаро шартномаларга имзо чеккан. Ўзбекистон БМТ Котибияти томонидан ишлаб чиқилган 22 асосий пакет ва конвенциялардан 21 тасига қўшилган. 1993 йил ноябрь ойида янги Европа учун Париж Хартиясини имзолади. Шу йил апрель ойида БМТ комиссиясига сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари бўйича Халқаро пакт нормаларини бажариш борасидаги миллий маъруза матни тақдим этилди.

Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) билан мулоқотлар ниҳоятда самарали бўлаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ташкилот доирасида превентив дипломатия ва инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб фойдали мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон ЕХҲТга 1992 йил январь ойида аъзо бўлган эди. Шундан кейин Тошкентда ЕХҲТнинг Марказий Осиё бўйича бюроси очилди. Бизнинг экспертларимиз ДМИҲБ раҳнамолигида ўтказилаётган кенгашлар, семинарлар, анжуманларнинг доимий қатнашчилари бўлмоқдалар.

ЕХҲТ ҳужжатлари сиёсий йўналишга эга. У ҳуқуқий мажбуриятлар ва тамойиллар ишлаб чиқмайди. Республикамиз вакилларининг ЕХҲТ халқаро анжуманлари доирасидаги мулоқотларда иштироки жамиятдаги жараёнларни олдиндан билиш, келиб чиқиши мумкин бўлган танглиқлар ва баҳсларнинг олдини олиш имконини беради. Бу эса Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда халқаро ташкилотлар томонидан таклиф этилган инсон ҳуқуқлари бўйича хилма-хил дастурлар ижросига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, февраль ойида БМТ Тараққиёт дастурининг (БМТ ТД) жаноб И. Попеску бошчилигидаги экспертлари республикамизда меҳмон бўлишди. Улар уч ҳафта мобайнида турли давлат ва жамоат ташкилотлари, идоралари, партиялар, халқаро тузилмалар, чет эл элчихоналари вакиллари билан элликдан ортиқ учрашув ва суҳбатлар ўтказдилар. Миссия шундай хулосага келди: республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинлигини амалда таъминлашга қаратилган демократик муассасалар (Конституциявий суд, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва бошқалар) мавжуд. Аммо муаммолар ҳам бор. БМТ ТД нинг мутахассислари фикрича, ҳозирча ҳуқуқий ахборотлар етишмайди, халқаро тажрибалар яхши ўрганилмаган, қонунчиликнинг таъсирчанлигига тўла эришилмаган. Ана шулардан келиб чиқиб, демократиялаштиришни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизими бўйича муассасаларни ривожлантириш Дастури таклиф этилди. Биринчи босқичда (1996-1997) БМТ ТД Конституциявий ва Олий судларга, шунингдек, ҳуқуқий маслаҳатхоналарга мутахассисларни ўқитиш ва қайта тайёрлашда ёрдам беради. Иккинчи босқичда (1997-2000) бир қанча янги ташкилотлар тузиш режалаштирилган. Маслаҳат органи бўлган, шунингдек, таълим билан шуғулланадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ шулар жумласидандир. Бошқаришни такомиллаштириш бўйича марказ эса, ўз фаолиятида бошқарувнинг демократик услубларини қўллайдиган мутахассисларни тайёрлаши зарур.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш ноҳукумат ташкилотлари билан мулоқотлар ҳам фаол ривожланмоқда. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг таклифига биноан сўнгги йилларда икки марта «Хьюман Райтс Вотч» (Хельсинки) фаоллари республикамизда бўлишди. Шу йил ёзда Тошкентда унинг ваколатхонаси очилди. «Эмнисти Интернейшнл» ташкилоти билан ҳам алоқалар самарали бўлмоқда. Муайян ишлар бўйича ахборотлар алмашилмоқда, бу ноҳукумат ташкилотининг таҳлилий маълумотлари ўрганилмоқда.

Ҳозирги семинар-кенгаш инсон ҳуқуқлари бўйича республикада ўтказилаётган биринчи анжуман эмас. Бундан икки йил муқаддам ЕХҲТнинг умумий масалалар бўйича минтақавий семинари ўтказилган эди. 1995 йил сентябрида Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан 31 мамлакат мутахассислари ва 6 халқаро ҳаракат ва ташкилот вакиллари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди.

«Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий муассасалар» Тошкент семинари қатнашчилари анжуман хулосалари ва тавсиялари жамиятни янада демократлаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқий тизимни халқаро андозалар даражасида такомиллаштириш имконини беради, деб ишонадилар.

**«Жаҳон» ахборот агентлиги.**



Ш. Рашидов туманидаги Ҳ. Олимжон номидаги боғдорчилик ва узумчилик ширкатлар уюшмасида етиштирилган сархил мевалардан ҳар йили шаҳарликлар баҳраманд бўлишади. Ширкатлар уюшмасида 161 гектар олмазор мавжуд. Бу йил боғбонлар шаҳарликлар дастурхонига 200 тонна олма тортиқ қилишмоқчи.

**СУРАТДА: (чапдан) М. Қўшбоқова, уюшма бошқаруви раиси Ў. Ўролов, Р. Қўшбоқова.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

# САЙРОБГА ГАЗ КЕЛДИ

Мамлакатимиз Президенти бундан икки йилча олдин Бойсун туманида бўлиб, сайробликлар билан учрашуви чоғида бу ердаги тоғли қишлоқларга табиий газ олиб келишни жадаллаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. Ўша вақтдан буён туман қишлоқлари ва марказига юз километрдан кўпроқ газ қувури тортилди. Минглаб хонадонда «зангори олов» ёнди. Куни кеча қурувчи ва монтажчилар саъй-ҳаракати билан кўҳна Сайроб қишлоғига табиий газ келтирилди. Бойсундан Сайробгача тортилган 40 километрлик қувур муваффақиятли синаб кўрилди.

(ЎзА).

# БАНКНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Мустақиллик объекти сирасига кирувчи Фарғона вилоят «Пахтабанк» акционерлик жамиятининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Халқимизнинг миллий-амалий санъати меъморчилиги услуби асосида қурилган мазкур бино техник имкониятлари даражаси жиҳатдан халқаро банк тизими талабига жавоб бера олади. У нафақат республикамизда, балки Ҳамдўстлик мамлакатларидаги банклар билан ҳам тўғридан-тўғри алоқа қилиш имкониятига эга.

Н. СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

# МАЪНАВИЯТНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Демократия хусусида шуни аниқлаб олишимиз керакки, ҳеч бир мамлакатда бошқа давлатда қарор топган демократияни тўғридан-тўғри, яъни нусха кўчириш билан жорий этиб бўлмайди».

Кекса Шарқ тарихида шу нарса маълумки, ваҳий— пайғамбарларга, кароматт— валийларга, фаросат — комил инсонларга берилар экан. Амир Темурдек буюк шахсларга — жасорат, каромат ва фаросат қўшиб берилган бўлса ажаб эмас. Фаросат — ярим каромат, дейди донишмандлар. «Подшо — худонинг ердаги сояси» дея худди шу хил адолатпеша шоҳлар ҳақида нисбат берилган бўлса ажаб эмас. Яна шу алломалар халқни «Амри подшо важиб» дея тўғрилик, ҳалоллик, интизом ва итоаткорликка даъват этганлар. Бизнингча, шарқона демократиянинг бир кўриниши шу бўлса керак. Бу билан мен монархияни тарғиб қилмоқчи эмасман. Лекин ҳарқалай, бизда шарқона бир андоза бор. У ҳам бўлса, каттага ҳурмат. Андиша! Подшони подшо ўрнида, фуқарони фуқаро ўрнида кўриш, инсонни қонун ҳимоя қилиши керак. Қонун устуворлиги таъминланса — демократия дегани шу бўлади.

«Шу маънода, маданият ва маърифат намояндалари билсинларки, маънавиятнинг энг асосий ҳимоячиси республика Президенти бўлади».

Учрашув ниҳоясида айтилган шу мардона, олийжаноб сўзларни эшитганимизда, кўксимиз тоғдай бўлди. Чунки истиқлол бўй кўрсата бошлаган 1994 йилнинг 23 апрелида Президент республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказини ташкил этиш бўйича Фармон қабул қилган эди. Шундан сўнг Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори қабул қилинди.

Бу Марказий Осиё ва Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида тузилган ягона мафкура маркази эди. Унга Тошкентнинг қоқ марказидаги собиқ «Билимлар уйи» биноси ажратиб берилди. Очиғи, бу пайтга келиб мазкур бинодан анча файз кетиб қолган эди. Биз асосан жамоатчиликка таяниб (чунки Марказ ташкил этилгач, олти ой ўтар-ўтмас унга ажратилган ходимлардан 20 фоизи қисқарган эди), ҳоли-бақудрат ишлаб турдик. Ишни халқимизга «маънавият» сўзини ва «Маърифат ва маънавият» жамоатчилик маркази борлигини тушунтиришдан бошладик. Турли хил тадбирлар ўтказиб, телевидениеда кенг ташвиқот ишлари олиб борганлигимиз туфайли халқ орасида шундай марказ борлигига ишонч ҳосил қилинди. Бироқ айримлар дастлаб «Маънавият» марказини шунчаки жамғарма, бировлар «маънавият» бу арабча фирма, бошқа бировлар лекторлар уюшмаси деб тушунди. Президентимиз ҳар бир чиқишларида маънавият ҳақида қайта-қайта гапирса-да, ҳамон баъзи раҳбарлар марказга ва унинг жойлардаги бўлимларига енгил-елпи қараб келдилар.

Худди ана шундай бир пайтда тўсатдан Президентимиз учрашувга чақириб, биздан ҳол-аҳвол сўради. Дастлаб қилинган ишлар бўйича ҳисоб бермоқчи бўлдик. Лекин у киши қилинган ишларни қўйиб туринг, бизга маънавият соҳасидаги муаммо ва таклифлардан гапиринг, деди. Ҳаммамиз гапирдик. Очиғи, биз билмаган яна кўп муаммо ва таклифларни учрашув жараёнида у кишининг ўзи айтиб, бу соҳада махсус Фармон чиқиши кераклигини билдирди.

Шулардан бири — оналаримиз, аёлларимиз маънавияти масаласи. Мамлакатимизда шундай гўшалар борки, ўша ердаги аёллар тақдири билан ҳеч ким қизиқмайди. Тоғ оралиқларида туғилган муштипар аёллар, ўша ерда туғилиб, бола-чақа қилиб, ўша ерда ҳаётдан ўтиб кетадилар. Ҳолбуки, «Истиқлол қадрияти — халқ қадрияти», деймиз. Маънавият сайёҳлик гуруҳларини мунтазам ташкил этиб, олис масофадаги аёлларимизни юртимизнинг тарихий ёдгорликлари, маърифат масканлари — музейлар, санъат кошоналари, истиқлол даврида қад кўтарган иншоотлар билан яқиндан таништиришимиз керак. Токи улар қандай жаннатмакон юртда яшаётганларини ҳис этсинлар. Шундай маҳобатли бинолари бор шаҳарларимизни кўриб фахрлансинлар.

Мактабларимизда «Одобнома», олий ўқув юртларида «Маънавият асослари» дарсларини юқори савияда ўтишни йўлга қўйиш, дарсликлар учун танловлар ўтказиш лозим. Мактабларда «Маънавият синф бурчаклари», йирик корхоналар, жамоат ташкилотларида «Маънавият музейлари», ҳарбий қисмларда, маҳалла қўмиталарида «Маънавият хоналари» ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Вилоят, туман бўлимларида махсус «маънавият ташвиқот гуруҳлари» зудлик билан тузилиши керак. Бу гуруҳларга маънавиятимиз билимдонлари — ёзувчи, ўқитувчи, маҳалла фаоллари, дин вакиллари ва санъаткорлар уюшиб, халқ ўртасида ташвиқотнинг турли хил шаклларидан фойдаланишлари керак...

Ўтган йилги бир учрашувда Президентимиз ягона миллий мафкура дастурини ишлаб чиқиш ҳақида кўрсатма берган эди. Ҳозир шу дастур устида бир неча муаллифлар жамоаси ишламоқда.

Марказ ҳузурида мувофиқлаштирувчи бир гуруҳ ташкил қилиб, шу ишни ниҳоясига етказиш;

Ёшларга Ватан тарихи, истиқлол шарофати, миллий қадриятлар, келажак тараққиёти ҳақида маълумот беришни мунтазам йўлга қўйиш ва бу соҳада «Камолот», «Маҳалла» жамғармалари билан ҳамкорликни давом эттириш;

Жамиятимиз тараққиёти учун зарур бўлган долзарб маънавий масалалар бўйича илмий тадқиқотлар, сўровномалар ўтказиш ва улардан фойдали хулосалар чиқаришимиз, бу борада республика Фан ва техника давлат қўмитаси билан ҳамкорликни давом эттириш;

«Олтин мерос» жамғармаси ишини намунали йўлга қўйиш, жойларда «Тафаккур» журналини кенг тарғиб қилиш, тафаккурхонлик йиғинларини ўтказишимиз зарур.

Хуллас, маънавиятимиз ОЙДИН ЙЎЛ»га чиқиб олди. Бу ўз навбатида иқтисодиётимизнинг ҳам тараққиёт йўлидир.

«Маънавият ва иқтисодиёт». Бу икки тушунча бир-бирига йўл очиб боради. Бири бу йўлни равон қилиб борса, иккинчиси уни ёритиб боради. Бу ўз навбатида Буюк келажак йўли ҳамдир.

Иқтисодиётни маънавиятдан, маънавиятни иқтисодиётдан устун қўймоқчи бўлганлар чуқур янглишадилар.

Бу — менинг фикрим эмас, юксак маънавиятимизнинг Бош ҳимоячиси — Президентимизнинг гаплари!

**Неъмат АМИНОВ,**
**республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари.**

# ДУНЁ ИЧРА ДУНЁДИР ОДАМ



## СОҲИБҚИРОНИМ

**Юксал бугун ифтихордан жисм ичра жоним,**
**Темур бобом шавкатидан нурли жаҳоним.**

**Не бахтдурки, бу жаҳонга келдингиз порлаб,**
**Жаҳон ичра жаҳон тузган Соҳибқироним.**

**Кездим неча Шаҳрисабзу Самарқанд аро,**
**Довруғингиз достон этур еру осмоним.**

**Иморатлар яратдингиз мовий-самовий,**
**Ҳар ғиштида мужассамдир орзу-армоним.**

**Йўл солдингиз юраклардан юраклар томон,**
**Ипак йўллар манзилидан ўтар карвоним.**

**Авлодингиз Сизни бошда тутмоқда бугун,**
**Қадрингизни баланд этиб эркин замоним.**

**Бу оламнинг тўрт бурчида номингиз такрор,**
**Тимсол эрур исмингизга Ўзбекистоним.**

## УМР

**Бешикдан то қабрга қадар**
**Одам умри ажабдир, ажаб.**
**Боғча фасли тугаса агар,**
**Қучоғига олгайдир мактаб.**

**Сўнг... ҳаётда минг синов кечиб,**
**Кўражакдир узоқ-ёвуқни.**
**Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,**
**Кўп татигай иссиқ-совуқни.**

**Ҳар бир одам ўзи бир олам,**
**Йўқ ўхшаши, такрори асло.**
**Дунё ичра дунёдир одам,**
**Бир-биридан фарқли, мустасно.**

**Кўз олдида эврилар замон,**
**Фарқ этади бахтни, рўёни.**
**Авж нуқтага етганда инсон**
**Ҳувиллатиб кетар дунёни.**

## ВИСОЛ

**Сув бўйинда ажиб дилдор кўринди,**
**Қиш фаслида гўё баҳор кўринди.**

**Дил уйига тушди ширин ларзалар,**
**Дунё кўзга мастонавор кўринди.**

**Ташна эдим саҳройи самум аро,**
**Кўзга ногоҳ оби анҳор кўринди.**

**Мафтун этди мени соҳир ул нигоҳ,**
**Кўзлар кўзга зор-интизор кўринди.**

**Бир табассум ҳадя этиб ногаҳон**
**Паричеҳра, нозанин ёр кўринди.**

**Қаён ғойиб бўлди бирдан ул санам,**
**Кўзларимга бу дунё тор кўринди.**

## ХАЁЛ

**Хаёл суриб узун кечалар,**
**Шўнғиб қалбим қаърига то,**
**Кўргим турфа мазмун нечалар,**
**Унда мўлдир ростлик ва хато.**
**Унда бордир зулмат ва зиё,**
**Ширин дамлар, аччиқ ташвишлар.**
**Бор ҳақиқат ва сирли рўё,**
**Чала қолиб кетган кўп ишлар.**
**Айтилмаган сўзлар унда мўл,**
**Юрилмаган сўқмоқлар бисёр.**
**Унда уйқаш чаман билан чўл,**
**Туйғулар кўп — бўлмаган изҳор.**
**Бор аламлар, таассуфлар ҳам,**
**Бежо ўкинч, ёрилмаган дард.**
**Занглар босиб чўкиб ётган ғам**
**Ва сочларга сапчиган оқ гард.**
**Ололмадим кимларнинг кўнглин,**
**Кўрсатмадим кимгадир меҳр.**
**Такрори йўқ умрнинг йўлин,**
**То сўнгига қадар у сеҳр.**

* * *

**Ёшлик фаслин кўрурман аён,**
**Иккимиз ҳам шўх бола эдик.**
**Умр гўё эди бепоён,**
**Гоҳ гулхан, гоҳ шалола эдик.**

**Довон-довон ўтдик йилларни,**
**Биз йўлдамиз, ҳамон елкадош.**
**Маҳкам чирмаб биз кўнгилларни,**
**Юракларни сақлай билдик ёш.**

**Ўтдик қанча сўқмоқдан, йўлдан,**
**Тўқлик, йўқлик — кўрдик барчасин.**
**Омон чиқдик бўрондан, дўлдан,**
**Синовларнинг ўтдик қанчасин.**

**Ҳамон йўлда этурмиз давом,**
**Ҳорғинлигу дардларни ёриб.**
**Тонгда йўлга чиққандик... Оқшом**
**Олисларда кутар қизариб.**

**Жуманиёз ЖАББОРОВ.**

# МАРКАЗ ФАОЛИЯТИДАН ХАБАРЛАР

***«Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази жойларда қандай ишларни амалга оширяпти? Қуйидаги хабарлар шу ҳақда.***

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Мустақиллик шарофати билан юртимиздаги жой номларини тартибга солиш имконига эга бўлдик. Бу ҳақда ҳукуматнинг махсус қарори ҳам чиққанлигидан хабарингиз бор. Унда маъмурий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектлар номларини тартибга солиш йўл-йўриқлари белгилаб берилган.

«Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази вилоят бўлими Чиноз туманида шу қарорнинг қандай бажарилаётганини ўрганди. Текшириш натижалари асосида ана шу масала юзасидан мутасадди раҳбарларга тегишли тавсиялар ва вилоят ҳокимлигига эса таклифлар берилди.

* * *

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Қарши шаҳрининг «Дарвоза Тутак» маҳалласида соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан тамоман ўзига хос кўрик-танлов бўлиб ўтди. «Темурий маликалар талқини» деб номланган бу танловда бир неча вакиллар Темурий маликалар тимсолида саҳнага чиқдилар.

* * *

БУХОРО ВИЛОЯТИ. «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази вилоят бўлими бошқа турли муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда янги-янги тадбирлар ўтказяпти.

Бухоро шаҳридаги Тўқимачилик тумани ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Истиқлолдан бахти кулган аёл» деган кеча уюштирилди. Кечадаги барча чиқишлар: «Истиқлол аёлларимизга нима берди?» деган умумий саволга у ё бу тарзда жавоб бўлди. Бадиийлаштирилган бу тадбир охирида аёлларга совғалар улашилди.

«Миллий қадриятларимиз — тарбия воситаси» мавзуида ўтган тадбир эса вилоят болалар ва ўсмирлар тарбия маркази билан биргаликда ташкил этилди. Кеча маънавият ва маърифат тарғибини, аввало, ҳаётимизнинг узвий давомчилари бўлмиш ёшларимиздан бошлаш қанчалар зарур эканини яна бир бор кўрсатди.

**Зиёда ҒАФФОРОВА,**
**«Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази етакчи мутахассиси.**



*Дилбар Исмоилова кўп йиллардан буён В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт-санитария бўлимининг «Аёллар маслаҳатхонаси»да ишлаб, оналар саломатлигини тиклаш ва соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.*

*СУРАТДА: (ўнгда) врач-гинеколог Дилбар Исмоилова.*
*Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.*

# «МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

**«Мулоқот» журналининг сентябрь-октябрь ойларига мўлжалланган 5-махсус байрам сони босмадан чиқди**




Истиқлолимиз билан бирга таваллуд топиб, мана, беш йилдирки, буюк халқимизнинг асрлар давомида тўплаган маданий-маънавий бойликларини, ахлоқий қадриятларга асосланган мафкурасини ҳар томонлама ёритиб келаётган журналнинг ушбу сони республикамиз мустақиллигининг 5 йиллигига ва буюк, қудратли давлатчилигимиз асосларини яратган соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган. Бу иккала сана бирдек муборак, бир-бирига дахлдор ва туташ. Шунинг учун уни бир байрам сифатида тасаввур қилиш табиий бир ҳолдир.

Журнал «Муҳаррир мулоҳазалари» рукнидаги «Ўтмиш бизнинг таянчимиз, келажак — нажотимиз» сарлавҳали мақола билан очилади. Унда байрам муносабати билан тарихий йўлимиз эслаб ўтилади. Ундан сабоқ олиш, мана шу ўгит ҳамда хулосалардан мустақиллигимизни мустаҳкамлашда фойдаланиш борасида батафсил фикр юритилади.

Атоқли муаррих, тарих фанлари доктори, академик Бўрибой Аҳмедов «Амир Темурнинг тарихдаги ўрни» мақоласида соҳибқироннинг ўз буюк давлатини қандай ахлоқий-маънавий тамойиллар асосида ташкил этгани ва унинг дунё тарихида қолдирган ўрни ҳақида мушоҳада юритади. Хайрулло Исматуллаевнинг «Ватан тарихида Темурнинг ўрни» номли чиқиши юқоридаги мақолани янги ва жуда қизиқарли фактлар билан тўлдиради. Байрам сонидаги Убайдулла Уватовнинг «Амир Темур ва Миср мамлуклари» мақоласида ҳам буюк саркарда бобомиз ҳақида қимматли илмий фикрлар баён этилган.

«...Оламшумул шахс сифатида ватандошларини жаҳон тарихи ғилдирагини айлантиришга дахлдор этган Кромвель, Петр I, Наполеонлар билан улар мансуб бўлган халқлар қай даражада фахрлансалар, биз ҳам Темур сиймоси билан ундан кам бўлмаган даражада ғурурланишга ҳақлимиз. Аммо фақат ғурурнинг ўзи ила узоққа бориб бўлмайди. Маълум ва машҳур аждодларимизга муносиб бўлиш учун кўплаб тер тўкмоқ, улар меросидан тегишли сабоқлар чиқармоқ керак». Бу сатрлар ХДП Марказий Кенгашининг биринчи котиби, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалоловга тегишли. ХДП Марказий Кенгаши ўтказган илмий-назарий кенгашда қилган А. Жалолов маърузаси «Тарих сабоқлари ва мустақиллик истиқболлари» сарлавҳаси остида эълон қилинган.

Журналдаги таниқли адиб Иброҳим Ғафуровнинг «Дунёнинг турган-битгани урфон экан» мақоласи — истиқлолимиз ва бугунимиз ҳақида фалсафий публицистик мушоҳададир.

Ушбу сондаги буюк соҳибқиронга ва истиқлолга бағишланган мушоира поэзия ихлосмандлари учун катта туҳфа. Мушоирани Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошлаб берган. Журнал саҳифаларини варақлаганда буюк алломалар — Мирзо Улуғбек, Шарафиддин Али Яздий, Ғиёсиддин Али, Руи Клавихо, ибн Халдун, ибн Арабшоҳ, Фасих Ҳавофий кабиларнинг Амир Темур шахсига берган юксак баҳолари ва фикрлари билан танишиш мумкин.

Янги сонда муштарийлар иқтидорли олимлар Қозоқбой Йўлдошевнинг «Шахс — жамият ва маънавият бирлиги», Эркин Бобомуродовнинг «Сиёсий тафаккурнинг янгиланиши» каби ижтимоий мавзудаги қизиқарли мақолалари билан танишадилар.

Халқимизнинг ажойиб фарзанди Файзулла Хўжаевнинг юз йиллиги кенг жамоатчилик томонидан нишонланмоқда. Тарихчи олим Чори Тиллаев шу санага бағишлаб ёзган «Халқ фарзанди» мақоласида Ф. Хўжаевнинг сиёсий ва ижтимоий фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритади.

«Мулоқот» журнали ўз номига содиқ қолган ҳолда турли касб эгалари билан ўз саҳифаларида жонли мулоқот олиб борган. Санъатшунос олим Н. Ойдинов Ўзбекистон халқ рассоми Малик Набиев билан Амир Темур портретини, ҳайкалтарош И. Жабборов билан Амир Темур ҳайкалини яратишдаги ижодий жараён ҳақида мусоҳаба қилади. Шунингдек «Партия ҳаёти» рукнида Ўрол Ўтаевнинг ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ҳамро Эрматов билан суҳбати эълон қилинган. Журнал ходимларининг Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорациясининг раҳбари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги Маҳмуд Мирзаев ҳамда Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш ҳиссадорлик уюшмаси раиси Эркул Зикриёев билан қизиқарли мулоқотларида ҳам бугунги кунимиз муаммолари, ютуқ ва ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар тилга олинади.

«Мулоқот» дафинаси» рукнида эълон қилинган «Соҳибқирон ҳикоятлари», «Амир Темур ўгитлари» ҳамда «Амир Темур васияти» журналхонларимизга бир олам маънавий сабоқ беражак.

*<u>Бугун Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича</u>*

*<u>II анъанавий халқаро турнир бошланади</u>*

# АЛПОМИШЛАР ДАВРАГА ЧИҚАДИ



***Бундан тўрт йил муқаддам Шаҳрисабзда миллий кураш бўйича соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган биринчи халқаро турнир бўлиб ўтган ва у мустақилликка эришган мамлакатимизнинг ўз миллий қадриятларини тиклаш йўлидаги йирик тадбирлардан бири бўлиб тарих саҳифасига кўчган эди. Шундан сўнг бошқа вилоятларда ҳам миллий кураш бўйича бир қатор мусобақаларга асос солинди.***

Жумладан, Термизда Ҳаким ат-Термизий, Бухорода Баҳовуддин Нақшбанд, Хивада Паҳлавон Маҳмуд, Андижонда Заҳириддин Муҳаммад Бобур хотирасига бағишланган йирик турнирлар ўтказилди. Бу турнирларга Президент Ислом Каримов ўзининг шахсий совринларини қўйиб, миллий қадриятларимизнинг қайта тикланиши, оёққа туришига ва айни пайтда ушбу мусобақаларнинг нуфузини янада оширишга катта кўмак берди. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишланиб бу йил Шаҳрисабзда иккинчи марта ўтказилаётган миллий кураш бўйича II анъанавий халқаро турнирга ҳам мамлакатимиз Президенти ўзининг шахсий совринини — Асакада ишлаб чиқарилган «Нексиа» енгил автомобилини қўйган. Мутлақ ғолибга, шунингдек, от ҳам инъом этилади. Қашқадарё вилоят ҳокимлиги эса соврин сифатида турнирга «Тико» енгил автомашинасини тақдим этган. Вилоятдаги кўпгина корхоналар, ташкилотлар ва фирмалар ҳам ўз совринларини таъсис этган. Турнирнинг учинчи энг йирик совринини республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси топширади. Совринларнинг катталиги, албатта, турнирнинг қиммати ва нуфузини янада оширади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бундай турнирларни ўтказиш билан бирга миллий спортимизни халқаро майдонга олиб чиқишга ҳам ҳаракат қилиняпти. Шу боис бу галги мусобақа олдидан республика кураш федерацияси миллий курашнинг аниқ қонун-қоидалари, тартибидан иборат турнир низомини ишлаб чиқди. Анъаналаримиз сақлаб қолинган ҳолда махсус миллий кураш кийимлари тикилди. Бу жараёндан ҳакамларнинг кийимлари ҳам четда қолмади. Ушбу турнирда қатнашадиган хориж мамлакатлари сони ҳам аввалгисига нисбатан кўп бўлиши кутилмоқда.

Халқаро турнир жаҳон талабларига мос равишда, юқори савияда ўтказилиши учун олдиндан катта тайёргарлик ишлари бажарилди. Жумладан, мусобақа дастури, чақириқ қоғозлари, плакатлар, спорт журналистлари учун аккредитация гувоҳномалари тайёрланди. Мусобақалар ўтказиладиган ҳудуд ва Шаҳрисабз шаҳри кўчалари ушбу турнирга чорловчи плакатлар, ташвиқот шиорлари билан безатилди. Бошқача айтганда, айни кунда Шаҳрисабз шаҳри бўйлаб соҳибқирон Амир Темур ва бобомиз хотирасига бағишлаб ўтказилаётган турнир руҳи кезиб юрибди.

Турнир 13 сентябрга қадар давом этади.

**Расул ЖУМАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН АРЗОН НАРХЛАРДА
**ҚУЙИДАГИЛАР СОТИЛАДИ:**

** ТЕГИРМОНЛАР УЧУН ВАЛЛАР
- БЗН 1000х250;
- БВ 1000х250.

** 50 кг ва 15 кг СИҒИМЛИ ПОЛИПРОПИЛЕН ҚОПЛАР.

Тўлов шакли: нақд пул ўтказиш ва вексел билан.

Манзилгоҳ: 700083, Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 26.

DM FIRMA DEMIR

Тел.: 30-40-42, 41-87-73, 33-81-48, 33-06-00, 42-43-27, 42-06-73.

## ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 10 сентябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 17,86 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 39,60 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 11 сентябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 31,66 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,75 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 61,66 |
| 10 Бельгия франки | 12,82 |
| 1 Голландия гульдени | 23,56 |
| 10 Греция драхмаси | 1,66 |
| 1 Дания кронаси | 6,85 |
| 1 БАА дирхами | 10,78 |
| 1 АҚШ доллари | 39,60 |
| 1 Миср фунти | 11,67 |
| 1 Ирландия фунти | 63,95 |
| 1 Исландия кронаси | 0,60 |
| 10 Испания песети | 3,13 |
| 100 Италия лираси | 2,62 |
| 1 Канада доллари | 28,88 |
| 10 Хитой юани | 0,48 |
| 1 Қувайт динори | 132,24 |
| 100 Ливан фунти | 2,54 |
| 1 Малайзия ринггити | 15,82 |
| 1 Германия маркаси | 26,40 |
| 1 Норвегия кронаси | 6,15 |
| 1 Польша злотийси | 14,31 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,58 |
| 1 Сингапур доллари | 28,14 |
| 1000 Туркия лираси | 0,45 |
| 1 Финляндия маркаси | 8,73 |
| 1 Франция франки | 7,74 |
| 1 Швеция кронаси | 5,94 |
| 1 Швейцария франки | 32,41 |
| 1 ЭКЮ | 49,90 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,48 |
| 10 Япония иенаси | 3,62 |
| 1000 Россия рубли | 7,39 |
| 1000 Украина корбованеци | 22,50 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,72 |
| 1 Эстония кронаси | 3,32 |
| 1 Латвия лати | 72,13 |
| 1 Литва лити | 9,90 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,58 |
| 1 Қирғизистон соми | 3,24 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети жамоаси ректор маслаҳатчиси М. Исмоиловга отаси

**Тўра ИСМОИЛОВнинг**

вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

**· МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.**
**Навбатчи — О. Тўрақулов.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001  Буюртма Г. — 0509  31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ.  Офсет усулида босилган.  Қоғоз бичими А—2  **Босишга топшириш вақти—21.00**  **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**  **Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**  **Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.**  Босишга топширилди — 22.24  1 2 3 4 5 6